АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 5 НОЯБР сешанба № 44 (300) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Qonun ijodkorligi

ИХТИРОЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ҳуқуқий демократик жамият тараққий этгани сари ундаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаловчи қонунлар ҳам янгиланиб бораверади. Бу жараённи янги таҳрирда қабул қилинган **"Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"**ги Қонун мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши бу борадаги муносабатларни аниқ ва тўлиқ тартибга солишнинг ҳуқуқий асоси вазифасини ўтайди. Қонуннинг асосий мақсади ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини яратиш, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Қонунда саноат мулки объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси, ихтиро, фойдали модел ва саноат намунасининг патентга лаёқатлилик шартлари, саноат мулки объектининг субъектлари, патент бериш ҳақидаги талабнома, бу талабномани ҳуқуқий экспертизалардан ўтказиш, патент олиш тартиби ва патентнинг амал қилиш муддатлари, саноат мулкидан фойдаланиш, патент эгасининг ҳуқуқлари каби масалалар ўз ифодасини топган.

Янги таҳрирдаги ушбу қонун олдинги қонундан ўзида бир нечта янги ҳуқуқий меъёрларни акс эттиргани билан фарқ қилади. Қонунда патент идорасининг Апелляция кенгаши янги таҳрирдаги ҳуқуқий меъёр сифатида киритилган бўлиб, унда апелляция кенгашининг ваколатлари аниқ белгиланган. Апелляция кенгаши патент идорасининг қарорлари устидан тушган ҳамда саноат мулки объектларига патент берилганлигига қарши манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар томонидан билдирилган шикоятлару, патентларнинг ҳақиқийлигига қарши берилган апелляцияларни кўриб чиқади. Апелляция кенгаши ўз фаолиятини низом орқали амалга оширади. Ушбу низом Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Бундан ташқари, қонунда патент бериш ҳақидаги талабноманинг давлат экспертизасидан ўтказишга бир қатор аниқликлар киритилди. Яъни белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Олдинги қонунда бу муддат икки ой қилиб белгиланган эди. Шунингдек, бу моддага янги тўлдиришлар ҳам киритилди, яъни патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича тузатишлар, аниқликлар ёки қўшимча материаллар патент божи тўланган тақдирда кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ҳам, лекин патент бериш ҳақидаги қарор чиқарилгунга қадар тақдим этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Ўтказиб юборилган муддатларни қайта тиклаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш тартиби ҳам аниқ белгилаб қўйилди. Ўтказилган экспертизалар юзасидан ёки апелляция кенгашининг қарорлари устидан олти ой ичида судга шикоят қилиш янги меъёр сифатида киритилди. Қонунда фойдали модел ҳақидаги талабнома экспертизаси янги ном билан ва янгича таҳрирда баён этилди. Бу меъёр олдинги қонунда дастлабки экспертиза деб номланган эди.

Қонунда саноат мулки объекти патентини ҳақиқий эмас деб эътироф этиш, уни амал қилиш муддатини тугатиш ва патентдан воз кечиш тўғрисидаги меъёрлар янги таҳрирда баён этилган бўлиб, бу ҳаракатлар устидан норози бўлган томон Апелляция кенгашига ёки олти ойлик муддат ичида судга шикоят қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди. Олдинги қонунда бу ҳолат юзасидан фақат Олий судга мурожаат қилиш қайд этилган эди.

Саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тартиби ҳам соддалаштирилди. Унга кўра, саноат мулки объектидан фойдаланишни истаган шахс патент эгаси билан шартнома тузиш орқали ундан фойдаланиши мумкин. Бунда патент эгаси саноат мулки объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга беришни сўраб, Патент идорасига ариза бериши лозим.

Саноат мулки объектига берилган патент юзасидан олинадиган патент божлари ҳам алоҳида қонун сифатида киритилди. Бу қоидада патент божларининг миқдори, уни тўлаш муддатлари, уларни тўлашдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш, шунингдек, патент божларидан фойдаланиш тартиби каби масалалар Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши қайд этилди.

Қонунда патентга вакиллик қилиш, патент вакили, уни амалга ошириш тартиби, кимлар томонидан амалга оширилиши, вакилга бериладиган ишончнома ва бошқа масалалар аниқ ҳолда ўзининг ҳуқуқий ечимини топди. Бундан ташқари, низоларни ҳал этиш ва саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари ҳам алоҳида меъёр сифатида белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамият тараққиётида ҳар қандай ихтиро қонуний ўз ўрнини топса, бундай жамиятда ривожланиш юқори суръатда кечади. Шу боис янги қонун юртимиз фаровонлигига хизмат қилиши шубҳасиз.

Завқиддин АМОНОВ,
ҳуқуқшунос

Бугун Шаҳрисабз файзу тароватн билан кўзларни қамаштириб, жаҳон эътиборини ўзига қаратиб турибди. У жаҳон цивилизациясининг энг қадимий шаҳарларидан бири сифатида нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш ЮНЕСКО томонидан эътироф этилган ва Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Ислом КАРИМОВ



Сурат муаллифи А.ТЎРАЕВ (ЎзА)

31 октябр куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов Белгия Қироллиги молия вазири Дидье Рейндерсни қабул қилди.

* * *

1 ноябр куни Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

* * *

Пойтахтимиздаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Жаҳон Божхона Ташкилоти (ЖБТ) шафеълигида халқаро конференция бўлиб ўтди.

* * *

Риштон йигирув-тўқув фабрикаси акциядорлик жамияти негизида Ўзбекистон-Австрия-АҚШ ҳамкорлигида янги қўшма корхона ташкил этилди.

* * *

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси саъй-ҳаракати билан "Сенатор Фулбрайт" ўқув дастури ишлаб чиқилди.

* * *

Марказий банк томонидан 2002 йилнинг 1 ноябридан Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб 50 сўмлик қийматдаги танга пул муомалага чиқарилди.

* * *

Олимларнинг халқаро гуруҳи Уран сайёрасида янги йўлдош топилганини эълон қилишди.

Ajab savdolar

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎҚИМАГАН РАИС

Жалақудуқлик тадбиркорлар Нўъмонжон Парпиев ва Иброҳим Умаров эл-юртга нафимиз тегсин, дея 1994 йилда туман ҳокимлигининг қарори билан "Нўъмонжон" ва "Хазина" фермер хўжаликларини ташкил этишди. Улар 1997 йилнинг кузига қадар фермер хўжалиги фаолиятини анча изга тушириб олишди. Аммо 1998 йилнинг январ ойидан бошлаб фермерлар бошида "қора булутлар" айлана бошлади. Дастлаб уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилган бўлса, кейинчалик туман ҳокимининг қарори билан фермер хўжаликлари бутунлай тугатилди. Табиийки, фермерлар бундан норози бўлишди.

Улар қонун асосида ўзларининг паймол этилган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишини сўраб, вилоят хўжалик судига мурожаат қилишди. Вилоят хўжалик суди фермерларнинг аризасини ўрганиб чиқиб, туман ҳокимининг фермер хўжаликларини тугатиш ҳақидаги қарорини бекор қилиш лозим, деган қарорга келди.

Шундан сўнг туман ҳокимлиги ҳар икки фермер хўжалигини қайта тиклаш тўғрисидаги 2001 йил 14 сентябр куни 370—К-сонли қарор чиқарди.

Фермерлар бундан енгил тин олишди. Аммо уларнинг бу қувончи узоққа чўзилмади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳокимлик ўз қарорида собит тура олмади. Ўз қарори билан фермер хўжалигини қайта тиклади-ю, лекин уларга аввал 1994 йилда ҳокимлик қарори билан берилган ва тўрт йил деҳқончилик қилган ерларини қайтариб бермади.

Ери қайтариб берилмаган фермер хўжалигини қайта тикланди, яна қаторга қўшилди, деб ўйладими?

Албатта, йўқ.

Шу боис фермерлар энди Андижон вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишди. Адлия бошқармаси ҳар икки фермернинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд шу йилнинг 20 май куни фермерларга нега ерлари қайтариб берилмаётганини чуқур ўрганди.

Судда сўралган жавобгар — Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги раиси Абдуназар Абдуллаев ***ҳақиқатда ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган "Нўъмонжон", "Хазина" фермер хўжаликларининг фаолияти қайта тикланган бўлса-да, уларнинг бирига 4 гектар, иккинчисига 2 гектар ер майдонлари қайтариб берилмаганига сабаб Жалақудуқ тумани ҳокимлиги томонидан ана шу ер майдонлари ширкат хўжалигининг экин майдонлари балансидан чиқарилмаганлиги*** эканини айтди. Шундан сўнг суд Жалақудуқ туман ҳокимининг 261—К-сонли қарори билан "Нўъмонжон" ва "Хазина" фермер хўжаликларининг бузилган ҳуқуқлари олдинги ҳолатга тиклансин ва уларга тегишли ер майдонлари олиб берилсин, деган мазмундаги ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, келгусида моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисида судга даъво кўзғатиш ҳуқуқи даъвогар ва манфаатдор шахсга тушунтириб ўтилди.

Суднинг ушбу қарори ижросини таъминлаш Жалақудуқ тумани Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси ва туман ҳокимлигига юклатилди.

Таассуфлар бўлсинки, шундан кейин ҳам фермерлар кўчасида байрам бўлмади, уларнинг елкасига офтоб тегмади. Гап шундаки, фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг шу йил 20 майда чиқарган қарори ҳалигача ижро этилмади. Очиғи, Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлаётган Абдуназар Абдуллаев суднинг қарорини бажаришни пайсалга солиб келмоқда. Туман ҳокимлиги ҳам қарорнинг ижросини таъминлашга лоқайд "томошабин" бўлиб турибди. Суднинг қарорида ижрони таъминлаш туман ҳокимлигига ҳам юклатилган эди.

Жалақудуқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси бошлиғи Қобилжон Саматов шу йил 12 июн куни ижро иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилди-ю, шу билан иш тўхтади. Фермерлар эса ҳалигача оворааю-сарсон бўлиб юришибди.

Бизнингча, Президентимиз Фармойиши билан боғча-ю мактабдан бошлаб ўрганилаётган Бош Қомусимиз — Конституциямизни Амир Темур номидаги ширкат хўжалиги раиси Абдуназар Абдуллаев бирор марта қўлига олиб, ўқиб кўрмаган кўринади. Ўқиганда эди, унинг 114-моддасида баён этилган қуйидаги сўзларга кўзи тушарди: ***"Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир".***

Сўнгги сўз ўрнида айтиш жоизки, Конституциямизнинг ана шу моддасини Жалақудуқ туман ҳудудида қонунчилик ижросини таъминлашга жавобгар бўлган туман ҳокимлиги ва туман прокуратураси масъуллари ҳам бир ўқиб қўйишса, ёмон бўлмас эди. Зотан, Конституция талаби барчага баробар. Шу сабабли уни нафақат ўқиш, балки унга қатъий амал қилиш лозим.

Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг шу йил 8 октябр сонида чоп этилган "Ҳақиқат ким томонда?" мақоласида кўрсатиб ўтилган қонунбузилиш ҳолатлари махсус комиссия томонидан ўрганиб чиқилиб, натижаси юзасидан "Пешку автожамланма" очиқ турдаги акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши ва бошқарув раисларига кўрсатма юборилди. Унда мақолада қайд этиб ўтилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, жамият томонидан 2001 йил якунлари бўйича олинган соф фойдаларни тасдиқлаш ҳамда тақсимлаш юзасидан зудлик билан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилиш ҳамда ноқонуний равишда сотилган асосий воситаларни қайта тиклаш юзасидан тегишли чора-тадбир белгиланиши кўрсатилиб, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилди. Шунингдек, "Пешку автожамланма" очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бошқарув раиси М.Мавлонов билан жамиятни бошқариш тўғрисидаги тузилган шартнома бекор қилинди ва у ишдан озод этилди.

Ҳ. РАУПОВ,
Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари

* * *

Соғлиқни сақлаш вазирлиги газетанинг 24 сентябр куни чоп этилган сонидан "Одамлар нега шикоят ёзади?" сарлавҳали мақолада баён этилган далилларни текшириб чиқди. Маълум бўлишича, Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани Жума шаҳридаги марказий шифохона бош шифокорининг 2002 йил 2 октябрдаги буйруғига биноан Дилфуза Боймуродова 2002 йил 7 октябрдан бошлаб сил касалликлари кабинетида тўлиқ ставкага лаборант лавозимига ишга ўтказилган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти томонидан Пастдарғом тумани марказий шифохонаси бош шифокори амалдаги қонунларни қайта бузмаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Д. АСАДОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи муовини

* * *

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Бухоро вилояти Когон шаҳрида истиқомат қилувчи В. Бондаренопнинг икки йилдан буён иш жойидан иш ҳақи ва нафақа пуллари тўланмаётгани тўғрисидаги аризасини вазирликнинг вилоят Бош бошқармаси орқали ўрганиб чиқди. Аниқланишича, Бош бошқарма аралашуви билан В. Бондаренопга 2001-2002 йиллар мобайнида тўланмай келган 170538 сўм ойлик иш ҳақи ва 2002 йил июн ойи учун 10300 сўм миқдорида нафақа пуллари ундириб берилди.

Шунингдек, жорий йилнинг 15 октябр куни корхона раҳбарияти томонидан Меҳнат Кодексининг 154 ва 161-моддалари талаблари қўпол равишда бузилгани сабабли Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани прокурори Б. Назаровга 12/1373-сонли билдиришнома киритилган.

А. АКБАРОВ,
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари

Konstitutsiya va biz

ЭЪТИҚОД — ИНСОНИЙЛИК ЎЗАГИ

Ҳар бир инсон ҳаёти давомида муайян нарсага эътиқод қўяди. Кишининг маънавий ва руҳий ҳаётида диний эътиқод муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, эътиқод эркинлиги шахс эркинлигининг биринчи шарти ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизда ҳали мустақиллик расман эълон қилинмасидан бурун, яъни 1991 йил 14 июнда **"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди ва амалга киритилди. Унда барча фуқароларнинг миллати, ирқи, ижтимоий келиб чиқишидан ва қайси динга эътиқод қўйишидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлилиги қонун асосида белгилаб қўйилди. 1998 йил 1 майда мазкур қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Аниқроқ айтганда, эътиқод эркинлиги тўғрисидаги бу ҳужжат замон талабларидан келиб чиқиб, такомилига етказилди. Мазкур қонун диний ташкилотлар билан боғлиқ муносабатларнинг қонуний асосларини белгилаш баробарида ҳуқуқларини ҳурмат ва ҳимоя қилишни кафолатлади.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ислом дини билан бир қаторда православлар, яҳудийлар, баптистлар, адвентистлар, католиклар, лютеранлар, кришнаитлар, буддистлар сингари бир қанча дин ва мазҳаблар мавжуд.Уларнинг ҳар бири ўзига хос тартиб-қоидалар, ҳаёт тарзи, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжларига эга. Ана шундай хилма-хиллик Бош Қомусимиз — Конституцияда тўлиқ аксини топган. Унда ***"ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динига эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга"*** дейилган. Яъни диний эътиқод ихтиёрийлигига Конституциявий мақом берилган.

Шу ўринда мазкур конституцион меъёрларнинг икки жиҳатини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Гап шундаки, конституциямизда жамиятда инсонпарварлик тамойилининг шаклланишида диннинг тутган ўрнига айрича эътибор қаратилган. Аниқроқ айтганда, диннинг юксак маданият ва маънавият воситаси эканлиги, беқиёс ахлоқий-тарбиявий қудрати, шунингдек, инсонларни камтаринлик, камсуқумлик, ҳалоллик ва покликка ундовчи қадриятлари миллий қадриятлар қаторида қонуний тан олинди.

Шу билан бирга диндан ғаразлик йўлида фойдаланиш, диний омиллар воситасида сиёсат ва давлат ишига аралашиши ҳокимиятга интилиш каби ҳолатлар қатъиян ман этилди. Бу билан давлат ва дин ўртасида кечадиган муносабатлар аниқ тартибга солинди.

Мусулмонлар ҳаётида қутлуғ саналар ҳисобланган Қурбон ва Рамазон ҳайити кунларини доимий суратда байрам сифатида нишонлаш ва уларнинг дам олиш кунлари деб эълон қилиниши мустақил давлатимиз тарихида алоҳида бир саҳифа очди.

Мустақиллик туфайли давлат мусулмонларга ўзига хос илтифот ва мурувват кўрсата бошлади. Ўзбекистон мусулмонлари бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришдилар. Ҳозирга қадар 32 минг нафардан ортиқ юртимиз мусулмонлари ана шу муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиб қайтиш шарафига муяссар бўлишди. Шу йилнинг ўзида 4 минг нафарга яқин мусулмонлар Маккаи Мунаввара ва Мадинаи Мукаррамага сафар қилдилар.

Давлат томонидан амалга оширилаётган бу каби кенг қамровли тадбирларнинг асосий мақсади диний қадриятларини қайтадан тиклаш ва уни янада ривожлантириш, халқимизни маънан юксалтириш ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган.

Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 61-модда.

Диний қадриятларнинг яна бир аҳамияти шундаки, улар миллатлараро можаролар, қонли тўқнашувларни қаттиқ қоралайди, турли дин ва миллатдаги одамларни ўзаро биродар, ахил бўлиб, тинч-тотув ҳаёт кечиришга даъват этади. Шу каби омиллар ҳисобга олиниб, мамлакатимизда турли миллат вакилларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз ўз динларига эътиқод қилишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Шуро замонида мамлакатимизда бор-йўғи 89 та масжид ва иккита мадраса ишлаган бўлса, ҳозир Ўзбекистон мусулмонлари идораси бошқаруви остида расмий рўйхатдан ўтган 1873 дан ортиқ масжид фаолият кўрсатиб турибди.

Шунингдек, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ҳам ўзлари эътиқод қилаётган динларида эркин ибодат қилмоқдалар. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 15 турдаги 240 дан зиёд ноисломий диний ташкилотлар расман фаолият кўрсатаётганини таъкидлаб ўтиш лозим.

"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасига биноан Ўзбекистон Мусулмонлар идорасига қарашли Тошкент Ислом институти, "Кўкалдош", "Мир-Араб" мадрасаси, "Хадичаи Кубро" аёллар диний ўқув юрти каби 11 та диний ўқув юртида фуқароларга диний таълим берилмоқда. Булардан ташқари, Рус Православ черковининг Тошкент ва Марказий Осиё Епархиясининг Тошкент рус православ семинарияси ҳамда Ўзбекистон Тўлиқ Евангел-Христианлар марказининг Самарқанд протестант диний семинарияси ҳам ишлаб турибди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, Ўзбекистонда диннинг ўрни Конституция асосида аниқ белгилаб қўйилган. Мамлакатимизда диний қадриятлар инсон ўзлиги сифатида эъзозланмоқда. Бу эса фуқароларнинг эътиқод эркинлигини тўлиқ кафолатламоқда.

Жалолбек АБДУСАТТОРОВ,
ҳуқуқшунос

Saboq

ЧУВАЛМАГАН КАЛАВА

Икки деҳқон фермер хўжалиги ўртасида муроса қочди. Буни қарангки, ҳар икки деҳқон фермер хўжалиги бир жой — Норин туманидан. Иш шу даражага етдики, икки ўртадаги жанжалли масала охир-оқибат судда ҳал этиладиган бўлди. «Кимсанбоев Абдулла» деҳқон-фермер хўжалиги «Ҳамроқулов Турсунали» деҳқон-фермер хўжалигини вилоят хўжалик судига берди.

Хўш, бу икки фермер ўртасидан қандай "оламушук" ўтди? Улар бир-бирларини нега судгача етаклаб келишди?

Гап шундаки, даъвогар — "Кимсанбоев Абдулла" деҳқон фермер хўжалиги жавобгар — "Ҳамроқулов Турсунали" деҳқон-фермер хўжалигидан 352000 сўм асосий қарзи, 100000 сўм жарима, 480 000 сўм ўзганинг маблағидан фойдаланганлик учун тўловни ундириш ҳақидаги даъво аризасини судга киритган эди.

Вилоят хўжалик судининг судьяси М. Обидов раислигида бўлиб ўтган суд жараёни низоли масалага холис ёндашди. Дастлабки суд мажлисида даъвогарнинг вакили ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. У томонлар ўртасида шартнома тузилганини, унга кўра жавобгар уч бош қорамол етказиб бериши лозимлигини, бироқ шартнома шартлари бажарилмаганини, бир неча бор қарздорга қатнаганидан сўнг 128000 сўмга кунжара олиб берганини, қолган қарзларни тўламасдан келаётганини, агарда пулига ўша вақтда қорамол олганида 1 миллион 200000 сўмлик қорамолга эга бўлишини, жавобгар ўзганинг маблағидан ғайриқонуний фойдаланиб келганини, қарздорга ўтказган пулининг 350000 сўмини жавобгар банкдаги кредитини ёпиш учун йўналтирилганини, пул давлатники бўлсада, ундан асоссиз фойдаланиб келганини кўрсатиб, жавобгардан 352000 сўм асосий қарзи, 100000 сўм жарима, 480000 сўм ўзгани маблағидан фойдаланганлиги учун бой берган фойдани ундиришни сўради.

Суд мажлисида жавобгар вакили ҳам бўш келмади.

— Ҳақиқатдан ҳам икки ўртада шартнома тузилган, — деди у. — Шартномага кўра 3 бош қорамол етказиб бериш кўрсатилган. Лекин амалда даъвогар кредит олишга шартнома зарур бўлгани учун шартнома тузган. Ҳар икки томоннинг оғзаки келишувига кўра кунжара олиб беришга келишилган. 160000 сўмга 5 тонна кунжара жавобгарга олиб берилган. Даъвогар эса кунжарани ўша ернинг ўзида нақд пулга сотиб юборган. Шунингдек, 128000 сўмга қорамол берилганлигини расмийлаштиради. Бундан ташқари, жавобгар даъвогарга 10000 сўм пул ўтказиб берган. Яна 120000 сўм нақд пул берган. Шу кунгача жавобгарнинг даъвогардан қарзи қолмаган. 120000 сўмни даъвогар олмадим, деб судда тан олмаяпти. Лекин уни тасдиқловчи далил магнит лентасига ёзиб олинган.

Икки деҳқон фермер хўжалиги ўртасидаги низоли ишга прокурор Ш. Абдуллаев ўз муносабатини шундай билдирди: "Шартномада уч бош қорамол етказиб бериш кўзда тутилган. Бироқ томонларнинг ҳуқуқий билимлари етарли бўлмагани сабабли унга мажбуриятларни бажариш муддати ва мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда мулкий жавобгарлик тўғрисида келишув шартномаси киритилмаган. Ҳужжатларнинг кўрсатишича, даъвогарнинг "Наманганэкстратёғ" корхонасига ўтказиб берилган 128 456 сўм маблағ эвазига 4 тонна кунжара олинган. Қолаверса, 128000 сўмга қорамол олинганлиги тўғрисида юк хати расмийлаштирилган. 10000 сўм ўтказиб берганлиги тўғрисида ҳам ҳужжатлар мавжуд. Қонун бўйича, корхоналар ўртасидаги шартномалар ёзма равишда тузилиши шарт. Шундан келиб чиқиб, даъвогарнинг 400000 сўм ўтказиб берган маблағи учун қилинган ҳисоб-китоблардан қолган қарзи 133454 сўмни ташкил қилади. Даъвогар ёзма равишда тақдим этган эътирозномасини инобатга олиб, Фуқаролик кодексининг 327-моддасини қўллаган ҳолда бир ой учун тўланмаган суммадан 2,5 банк фоизи — 4785 сўм 30 тийинни даъвогар фойдасига ундириш лозим. Даъвонинг қолган қисми асослантирилмаганлиги сабабли рад этишни талаб этади».

Суд томонларнинг фикрини эшитиб, қуйидаги хулосаларга келди. Ҳақиқатдан ҳам, 2001 йилнинг 23 июнида томонлар ўртасида 6-сонли шартнома тузилади. Унга кўра нархи 166 300 сўмдан бўлган уч бош қорамолни (жами баҳоси 500 000 сўм) даъвогарга етказиб беришга келишилган. Шартноманинг 1,1 бандида сотувчи маҳсулот етказиб бериши ва харидор ўз вақтида олинган маҳсулотга ҳақ тўлаши лозим бўлган. Бироқ шартноманинг 2,3 бандида маҳсулотни қачон етказиб бериш ҳақидаги бандга муддат қўйилмаган. Шартномада мажбуриятни қачон бажариш ҳақидаги муддатлар келишилмаган. Мажбуриятни бузганлик учун мулкий жавобгарликнинг миқдори ва тўлов шартлари белгилаб қўйилмаган. 2001 йилнинг 11 июлида 1-сонли тўлов топшириқномасига асосан 400000 сўм "Ҳамроқулов Турсунали" номидаги деҳқон-фермер хўжалигига 2001 йилнинг 23 июнида тузилган 6-сонли шартномасига мувофиқ 80 фоиз тўлов сифатида ўтказиб берилган.

"Ҳамроқулов Турсунали" деҳқон хўжалиги 2001 йилнинг 18 октябр куни 1-сонли тўлов топшириқномаси билан 128 000 сўм маблағни кунжара олиш учун "Наманганэкстратёғ" ҳиссадорлик жамиятига ўтказган. Абдулла Кимсанбоев номига берилган ишонч қоғозига мувофиқ 2001 йилнинг 21 октябрида 1711-ҳисоб варақага асосан 2-омбордан умумий нархи 128456 сўмлик 4 тонна кунжара олинган. Бироқ олинган кунжара "Ҳамроқулов Турсунали" деҳқон-фермер хўжалигига кирим қилинмасдан сотиб юборилади. Ушбу ҳолат даъвогар ва жавобгар хўжалик раҳбарларининг суд мажлисида берган кўрсатмасида ҳам ўз тасдиғини топди. Томонлар 33-сонли шартнома шартларига кўра бир бош қорамол етказиб беришга келишишган. 2001 йилнинг 5 ноябр куни 128000 сўмга бир бош қорамол олдисотдиси расмийлаштирган. 2001 йилнинг 4-август куни жавобгар 10000 сўмни даъвогарнинг банкдан олган ссуда фоизи учун ўтказиб берган. Ушбу ҳолат 2001 йилнинг 3 августдаги банк операцияси кўчирмаси ва томонларнинг суд мажлисида берган кўргазмаси билан ўз тасдиғини топди.

Суд томонлар ўртасида олиб борилган ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида ҳисоб-китоб қилинган 128456 сўмни, 128000 сўм қорамол учун ва 10000 сўм маблағни тўлов сифатида қабул қилиб жавобгар томонидан 266456 сўм қарз суммаси камайтирилган деб ҳисоблади.

Жавобгар даъвогарга қарзни қоплаш учун нақд 120000 сўм берилган ҳолатини акс эттирган магнит лентасини тақдим этган. Уни даъвогар ва жавобгар прокурор Ш. Абдуллаев иштирокида эшитиб кўришган. Унда А. Кимсанбоев пулни олганини айтиб кетган бўлсада, суд мажлисида пулни олганлигини тан олмади. Хўжалик процессуал Кодексининг 54-моддасида маълумотлар ёзма ва ашёвий далиллар, эксперт хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари билан аниқланади, деб кўрсатилган. Пул олди-бердисини томонлар ёзма равишда расмийлаштиришмаган. Шу боис ушбу ҳолат исботланмаган деб ҳисобланади. Суд даъвогарнинг 100 000 сўм жарима ундиришдаги талабига қуйидаги тартибда аниқлик киритди: «Шартномага жарима ундириш ҳақида ҳеч қандай банд киритилмаган. У Фуқаролик Кодексининг 262-моддасига мувофиқ тузилиши лозим эди. Шуни эътиборга олиб, унинг бу талабини рад этиш лозим. Шунингдек, 480000 сўм ўзгани маблағидан фойдаланганлик учун тўловли ундириш ҳақида даъвогар талаб қўйган. Лекин даъвогар бу талабга тегишли ҳисоб-китобини тақдим этмади».

Суд жавобгарга нисбатан қарор чиқаришда ўзганинг маблағини ўз вақтида қайтармай ёки ҳисоб-китоб қилмай келганлигини эътиборга олди. Даъвогар тақдим этган шу йилнинг 4 февралдаги эътирозномасидан сўнг Фуқаролик Кодексининг 242-моддасига кўра жавобгар маҳсулотни етказиб бермаганлиги учун даъво қўзғатилган кунга қадар қонуний устамани қўллаб, 133544 сўм қарз маблағи кечиктирмаганлиги учун 41 кунга 21901 сўм устамани даъвогар фойдасига қаноатлантиришни лозим топди.

Суд Фуқаролик Кодексининг 14, 242, 261, 263-моддалари, Хўжалик процессуал Кодексининг 55-95-135-136-138-139-145-моддаларини қўллаб қарор қабул қилди. Жавобгар Норин туманидаги "Ҳамроқулов Турсунали" деҳқон-фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 133544 сўм асосий қарз, 21901 сўм устама — жами 155445 сўмни даъвогар — "Кимсанбоев Абдулла" деҳқон-фермер хўжалиги фойдасига ундириш ҳақида қарор чиқарди. Жавобгар — «Турсунали Ҳамроқулов» ҳисоб рақамидан 4663 сўмлик давлат божи ва 2000 сўм суд харажатлари ундириладиган бўлди.

Хуллас, суд икки деҳқон-фермер хўжалиги ўртасидаги низоли масалага шу тарзда якун ясади. У қонун талабларини тўлиқ билмаслик одамни қандай аҳволга солиши мумкинлигини яна бир бор исботлади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Adliya tizimi

АНДИЖОН

Ўтган тўққиз ой давомида вилоятда фаолият кўрсатаётган 43821 та тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий манфаатини ҳимоя қилиш юзасидан судларга жами 370 миллион сўмлик 80 та даъво аризалари киритилди. Мазкур даъво аризаларидан 60 таси мансабдор шахсларга нисбатан қўзғатилиб, улардан тегишли равишда моддий ва маънавий зарарлар ундирилиши талаб қилинди.

Судларга киритилган даъво аризаларидан 37 таси бўйича адлия идоралари ходимлари талаблари тўла қаноатлантирилди. Натижада тадбиркорлик субъектлари фойдасига 107 миллион сўмлик моддий зарар ва кўрилмай қолган фойдалар ҳамда тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилаётган мансабдор шахслардан 6 миллион сўмдан зиёд маънавий зарар ундирилди.

Ўрганиш жараёнида аниқланган қонунбузарликлар бўйича тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб ҳокимликларга 28 та, бошқарув идораларига 27 та, жами 104 та тақдимнома киритилди.

Тадбиркорлардан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни сўраб келган 132 та ариза тўлиқ ўрганилди. Шулардан 76 таси қаноатлантирилиб, 40 таси бўйича судларга даъво аризалари билан мурожаат қилинди. 3 ҳолатда мансабдор шахсларни жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклиф билан чиқилди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий муносабатларнинг қонунийлигини таъминлаш бўйича 9797 та субъектдаги 13709 та шартнома ўрганиб чиқилди. Хусусан, 2002 хўжалик йилида 121 та ширкат хўжаликлари, 547 та фермер хўжаликлари, 7224 та оила пудратчилари томонидан тузилган 11923 та ички, 9873 та пудрат шартномалари ҳамда тайёрлов идоралари томонидан тузилган 599 та ташқи шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилди.

Шундан 667 та ҳолатда қонунчилик талаблари бузилгани аниқланиб, уларнинг барчаси амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилди. Шартнома талаблари бажарилмаётган ҳолатлар бўйича хўжалик судларига 18 та, фуқаролик судларга 594 та, жами 274 миллион сўмлик 612 та даъво аризалари киритилди. Киритилган даъво аризаларидан 434 таси судларда кўрилиб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.



Shartnoma sharti

ТОМОҚҚА ТИҚИЛГАН СУЯК

"Конимех" ширкат хўжалиги Навоий вилоятида иқтисоди мустаҳкам, йирик хўжалик ҳисобланади. Ҳозирги пайтда яйловларда хўжаликнинг 40 минг бошга яқин қўй-қўзилари, туя ва йилқилари боқилмоқда. Жорий йилда чўпон-чўлиқларнинг фидокорона меҳнати туфайли хўжалик бўйича ҳар 100 бош совлиқдан 124 бошдан қўзи олиниб, унинг 73 фоизи ўстиришга қолдирилди. Қоракўл тери, жун етиштириш ҳам режадагидан анча кўпайди. Даромад ҳам 250 млн сўмдан ошиб кетди.

— Чорвани 64 нафар оилавий пудратчиларга бўлиб берганлигимиз яхши самара берди, — дейди ширкат хўжалиги раиси Жандулла Бўқаев. — Мулк шаклининг ўзгариши ҳар бир ширкат аъзосининг манфаатдорлигини оширди. Қолаверса, чўпонларимиз иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур англаб етишди. Энди улар қўй-қўзиларини худди ўзиникидек меҳр билан парвариш қилишмоқда. Хўжалик билан оилавий пудратчи ўртасида тузилган шартномага биноан, режадан ортиқ маҳсулот тўлиқ пудратчига берилади. Бундан ташқари, пудратчиларга режани бажаргани, чиқимга йўл қўймагани, кўп қўзи олгани ва ҳоказолар учун яна қўшимча қўй-қўзи берилади. Қарабсизки, олдинги қаторда бораётган чўпонлар бир мавсумнинг ўзида 200-300 тагача қўй-қўзили бўлади. Шу тариқа чўлда яшаётган чорвадорларимизнинг аҳволи кун сайин яхшиланиб бормоқда. Бу каби ютуқлар ҳалол меҳнат ва олаётган фойдамизни тўғри ишлатаётганимиз туфайли қўлга киритилмоқда.

Раис тўлқинланиб сўзлар экан, гап орасида яқинда бўлиб ўтган бир воқеани айтиб берди. Воқеа тафсилоти қуйидагича кечган экан.

Ўтган йили хўжалик "Бухороқоракўл" ҳиссадорлик жамиятига қоракўл тери бериш бўйича шартнома тузди. Унга биноан хўжалик ҳиссадорлик жамиятига қоракўл тери берадиган, ҳиссадорлик жамияти эса ўз вақтида маҳсулот пулини тўлайдиган бўлди. Келишувга кўра, ширкат хўжалиги ҳиссадорлик жамиятига 5 минг дона қоракўл тери етказиб берди. Аммо ҳиссадорлик жамияти берган ваъдасига вафо қилмади. Натижада ўз қўли билан берган маҳсулот ҳақини ундириш учун раис Бухорога қатнайвериб сарсон бўлди.

Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган раис Навоий вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиб, "Бухороқоракўл" ҳиссадорлик жамиятидан ундирилиши лозим бўлган маблағни олишда кўмаклашишни сўради.

Адлия бошқармаси раисининг аризасини батафсил ўрганиб чиқди. Ўрганиш натижасида тузилган контрактация шартномасига мувофиқ ҳиссадорлик жамияти шартнома маблағининг 25 фоизи миқдорида, яъни 8 млн. 640 минг сўмлик аванс билан олдиндан хўжаликни таъминлаш мажбуриятини олган бўлса-да, хўжаликка бор-йўғи 2 млн.304 минг сўм аванс пули ўтказиб бергани маълум бўлди. Бошқача айтганда, жавобгар томонидан тўланиши лозим бўлган 6 млн. 336 минг сўм аванс ўз вақтида тўланмаган. Шунингдек, ширкат хўжалиги томонидан топширилган қоракўл териси учун тўлаш лозим бўлган 27 млн. 696 минг сўм келишилгандан 172 кун кечиктирилиб тўланди. Конимех туман давлат солиқ инспекциясининг хатига асосан жавобгардан инкасса орқали хўжаликнинг дебиторлик қарзлари ҳисобидан 5 млн 364 минг 224 сўм ундириб олинди. Қолган 4 млн. 539 минг сўмлик маҳсулот ҳақи эса ҳиссадорлик жамияти гарданида тураверди. Вилоят адлия бошқармаси ширкат хўжалиги билан ҳиссадорлик жамияти ўртасида тузилган контрактация шартномасига эътибор қаратди. Ушбу шартномада ҳиссадорлик жамияти маҳсулот қийматини ўз вақтида тўлиқ тўламаса, хўжаликка тўланмаган маблағнинг 25 фоизи миқдорида, жарима ва жаримадан ташқари муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов маблағининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида устама тўлаши лозимлиги қайд этилган. Ана шу қонун талабларини ҳисобга олган вилоят адлия бошқармаси "Конимех" ширкат хўжалиги манфаатини кўзлаб, Бухоро вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Суд одилона йўл тутиб, "Конимех" ширкат хўжалигига "Бухороқоракўл" ҳиссадорлик жамияти томонидан 4 млн. 539 минг сўмлик қарз ундириб берилиши ҳақида ажрим чиқарди.

— Қонун устувор бўлган мамлакатимизда бировнинг ҳақини бошқа одам еб кетолмайди. Айниқса, чўпон ҳақини ейман деганнинг томоғига суяк тиқилади. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч ким унутмаслиги лозим, — дея раис суҳбатга якун ясади.

Биз ҳам унинг сўзларини маъқулладик.

Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Adliya tizimi

ХОРАЗМ

Йилнинг ўтган ойлари мобайнида никоҳ тўйларига ҳозирланаётган 2958 нафар жуфтлик шифокор кўригидан ўтишди. Вилоятда тиббий кўрикдан сўнг оила қурган ёшлар сони жорий йилнинг 9 ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 695 нафарга кўпайди. Бу эса ФҲДЁ муассасалари ташаббуси билан вилоят, шаҳар ва туманларда ўтказилган 300 дан зиёд оммавий тарғибот-ташвиқот ва ташкилотчилик тадбирларининг самарасидир. Мазкур муассасалар йил бошидан буён давлат ғазнасига 8,1 миллион сўм пул тушумини таъминлади. Аҳолига 2,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилди. Шу давр мобайнида 7022 та никоҳ битими қайд этилиб, ёлғиз оналик ва оталикни белгилаш ҳолларини камайтириш тадбирлари амалга оширилди. Фаол саъй-ҳаракатлар туфайли ажралиш учун ариза берган ўнлаб оилалар сақлаб қолинди.

Qonun ko`magi

ЕР ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Деновлик Бозор Аҳмедов бундан икки йил илгари деҳқончилик қилиш мақсадида тумандаги "Ғалаба" ширкат хўжалиги ҳудудидан 12,8 гектар ер олиб, оила пудрати асосида иш бошлади. 2000 йилда ҳар гектар ердан 41 центнердан пахта етиштириш мажбуриятини олган оила пудрати бошлиғи хўжалик билан бу ҳақда шартнома тузди. Шартномага мувофиқ, ширкат хўжалиги оила пудратига ерни минерал ўғитлар билан озиқлантириш, етарли техник воситалар билан таъминлаш мажбуриятини олди. Бироқ ўша йили ширкат хўжалиги ерни озиқлантириш учун керак бўлган 8320 килограмм ўрнига анча кам миқдорда ўғит берди, холос. Бу эса режадаги ҳосилни етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Орадан кўп ўтмай ширкат хўжалиги бошқаруви ерни пудратчидан тортиб олиб, бошқа бировга бериб юборди. Шундан сўнг Бозор Аҳмедов Адлия вазирлигига мурожаат этди. Ушбу шикоят асосида Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси текширув ўтказди. Унда маълум бўлишича, "Ғалаба" ширкат хўжалиги оила пудрати бошлиғи Бозор Аҳмедов деҳқончилик қилаётган ер майдонини сурункасига икки йил мобайнида етарли миқдорда минерал ўғитлар билан таъминлаш ва агротехник тадбирларни ўтказишда техник воситаларини етказиб бериш тўғрисидаги шартнома шартларини асоссиз равишда бажармай келган.

Масалан, 2001 йилда мавжуд ер майдонини минерал ўғитлар билан озиқлантириш учун ширкат хўжалиги пудратчига 8320 кг миқдорида ўғит етиштириб бериши лозим эди. Афсуски, ширкат хўжалиги шартнома шартини бажармасдан, пудратчига бор-йўғи 2920 килограмм, яъни 5400 килограмм кам минерал ўғит ажратган. Бунинг натижасида белгиланган режа пудратчи томонидан бажарилмасдан қолган. Устига устак, ширкат хўжалиги шартнома шартларини бажармаган бўлса ҳам 3 йил муддат билан ажратилган 12,8 гектар ерни пудратчининг розилигисиз тортиб олиб, уни бошқа кишига бериб юборган.

Мазкур қонунбузарликлар юзасидан тўпланган ҳужжатлар асосида Фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Яқинда бўлиб ўтган суд мажлиси 12,8 гектар ер майдонини оила пудрат бошлиғи Б. Аҳмедовга қайтариб бериш ва унга етказилган маънавий зарарни ширкат хўжалиги бошқарув раиси О. Меликулов ҳисобидан ундириб бериш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди. Шундай қилиб, адолат тикланди. Ширкат хўжалиги раиси эса бармоғини тишлаб қолди. У оилавий пудратчини бекордан бекорга сарсон қилгани учун пушаймон бўлдими-йўқми, буни ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Ишқилиб, у бундан тегишли хулоса чиқарган бўлсин-да...

Баҳодир ҚОДИРОВ,
ҳуқуқшунос

Қўшқўпир тумани фермерлик ҳаракатини уюштириш бўйича Хоразм вилоятининг ўзига хос тажриба мактабига айланди, десак, муболаға эмас. Чунки бу ерда амалга оширилган ишлар ибрат олса арзигудек. Қўшқўпирликлар тажрибаси нималардан иборат, деган савол билан туман ҳокими Бахтиёр Ражабовга мурожаат этдик. Қуйида ана шу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Islohot dovonlari

МАНФААТДОРЛИК – ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Ҳозирги пайтда одамларнинг дунёқараши буткул ўзгарди, десак хато эмас. Чунки бугун тадбиркорлик ва фермерликка бел боғлаганларнинг сони кун сайин ортаяпти. Шу боис фермерлик ҳаракати масаласи бўйича фуқаролар йўллаётган ариза ва шикоятлар, талаб ва таклифлар ҳам кўпайиб бораяпти. Фуқароларнинг бу борадаги мурожаатлари халқимиз онггида уйғониш, ўзини ва ўзлигини англаш, тафаккурнинг янгиланиши, камчилик ва нуқсонларга нисбатан муросасизлик жараёни кечаётганидан дарак беради.

Энди бевосита фуқароларнинг ариза ва шикоятларига тўхталадиган бўлсак, уларни мазмун-моҳиятига кўра, бир неча туркумга ажратиш мумкин. Бир туркум шикоятларда айрим кишиларнинг фермер хўжалигини ташкил этишга қаратилган талаб ва илтимослари қондирилмаётгани, аризаларни қараб чиқишда турли сансалорликлар ҳукм сураётгани ёзилса, иккинчи туркумида фермер билан шу ердаги ширкат хўжалиги, бошқа айрим ташкилотлар ўртасида рўй бераётган турли келишмовчиликлар, низоли ҳолатлар хусусида сўз боради. Яна бир туркум мурожаатларда эса мавжуд тижорат банклари ва бошқа тегишли манбалардан кредит олиш масалаларида юзага келаётган қийинчиликлар, қоғозбозлик ва расмиятчиликлар, мулкий ва молиявий даъво-жанжаллар баён этилади.

Фуқароларнинг ушбу мурожаатларини асоссиз деб айта олмайман. Унда баён этилган номуносиб хатти-ҳаракатлар, қонунбузарликлар, фикрнинг тасдиғи учун келтирилган фактлар, далиллар, мисоллар кимнингдир айби билан содир этилганлигини инкор этиш фикридан йироқман. Хўш, камчилик ва нуқсонлар нега содир этилади? Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Назаримда, хато ва қусурларнинг кўпчилиги қонунни мукаммал билмаслик, ҳуқуқий ва касбий савиянинг етишмаслиги натижасида юзага келади. Ишга нисбатан беписандлик, ҳафсаласизлик, эътиборсизлик, бепарволик каби иллатлар ҳам муайян нуқсонларга сабаб бўлади. Бу камчиликларни тўғрилаш имкони бор. Лекин камчилик ва нуқсонларнинг яна бир тури ҳам мавжудки, уни қонун кучи таъсиридагина бартараф этиш мумкин. Бу ўринда гап қонуларимизни ўзининг ғараз нияти, шахсий манфаати йўлида қасддан бузувчилар тўғрисида бораяпти. Бу борадаги камчилик ва нуқсонлар туманимизда ҳам мавжуд.

Ҳозир туманимизда 702 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Улар сафига ушбу йилнинг дастлабки ярмида яна 118 та янги фермер хўжаликлари келиб қўшилди. Ҳозир 36 та фермер хўжалиги чорвачилик, 666 та хўжалик эса деҳқончилик йўналиши бўйича иш юритмоқда. Туманимизда етиштирилаётган пахта, дон, шоли, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларининг салмоқли қисми фермер хўжаликлари улушига тўғри келаётгани бу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этади.

Туманимизда фермерлик ҳаракатини ташкил этиш ва фаолиятини уюштиришда қуйидаги талаб ва тамойилларга амал қилаяпмиз. Туманда фермер хўжаликларини ташкил этиш масалаларини авваламбор махсус комиссия ўрганиб чиқади ва ўз хулосаларини ҳокимликка тақдим этади. Ширкат хўжалиги умумий йиғилишнинг қарори туман комиссияси фаолиятининг асоси ҳисобланади. Янги фермерлик субъектларини ташкил этишда бу ишга талабгорларнинг молиявий имкониятлари албатта ҳисобга олинади. **"Фермер хўжаликлари тўғрисида"**ги Қонуннинг 5 ва 9-моддаларига биноан деҳқончилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларига меҳнат ресурсларининг ортиқчалиги сезилмаётган ҳудудлардаги ва заҳира ерлар, зарар келтираётган ёки кам рентабелли далалар ажратиб берилади. Бундай ерларни унумдор ва самара берадиган майдонларга айлантириш учун бўлажак фермернинг моддий ва молиявий имкониятлари етарли бўлмоғи зарур. Токи, қонуннинг 5-моддасида белгиланганидек, фермер хўжалиги далаларининг ҳосилдорлиги ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслиги лозим. Ернинг эҳтиёжи, қонун талабини бажо келтира оладиган кишиларгина фермерликка лойиқ кўрилмоғи шарт. Акс ҳолда мулкни бир қўлдан иккинчи қўлга беришнинг фойдаси йўқ.

Мулкчилик ва манфаатдорликка кенг йўл очилгани, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини чуқур идрок этишаётгани туфайли эндиликда фермерликка талабгорлар сони кун сайин ортаяпти. Буни эътибордан соқит этмаслик зарур ва монопол мавқедаги ҳар бир жамоа ўзига қарашли ерларнинг бир қисмини бўлғуси фермерлар ихтиёрига бериш бўйича тендер саволларини мунтазам ўтказиб бормоғи лозим. Шунда имконияти бошқаларга қараганда кўпроқ ва каттароқ бўлган кишилар ерга узоқ муддатли эгалик ҳуқуқини қўлга киритади.

Энди муаммоларга тўхталадиган бўлсак, фермер хўжалиги учун ер майдони ажратиб бериш пайтида ернинг эски ва янги эгаси ўртасида муайян келишмовчиликлар рўй бераётгани сир эмас. Бу масалани биз томонлар ўртасидаги келишувга биноан ҳал этаяпмиз. Яъни, мавжуд ширкат хўжаликларининг ерини уч йил муҳлат билан ижарага олган пудратчилар ихтиёридаги далани шартнома асосида бўлажак фермерга ўз хоҳиши билан топширади. Аммо бунга ҳаммаям кўнавермаслиги мумкин. У ҳолда ширкат Низоми қучга киради. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу масала бўйича туманимизда муаммолар деярли йўқ. Негаки, мавжуд ширкат хўжаликлари низомларида ерни фермерлик субъектлари ихтиёрига беришнинг энг мақбул ва қонуний чораси ўз аксини топган. Унга кўра, ширкат хўжалиги даласи ерини фермер хўжалиги тасарруфига бериш бўйича тузиладиган ижара шартномаларида ўша экин майдонларида аввал деҳқончилик қилиб келган пудратчиларни ўз еридан махрум этмаслик ва иш билан таъминлаш шарти асосий ўринда туради.

Ариза ва шикоятларнинг айримлари ана шу жиддий муаммо ҳақида ёзилаётгани назарда тутилса, юқоридаги тадбир туфайли уни бартараф этишнинг чораси мавжудлигини англаб олиш қийин эмас.

Фермерлик ҳаракатининг ҳозирги босқичи ер тақсимотини адолатли тарзда, амалдаги қонун ҳужжатларига бекаму кўст риоя этган ҳолда амалга оширишни тақозо этаяпти. Бу ишни ташкил этишга масъул ва мутасадди шахслардан ўта ҳалоллик ва холислик сингари фазилатлар талаб этилиши ўз-ўзидан аён. Мазкур ҳаракатни ташкил этувчи туман ва ширкат комиссиялари таркибида жамоатчилик вакиллари, фермерликка дахлдор кишиларнинг иштироки, албатта, зарур. Дили пок, иймони бут, ҳалол ва виждонли одамлар бор жойга қинғирлик ва ноҳолисликнинг қадами етмайди.

Ҳозир фаолият юритаётган кўпгина фермер хўжаликлари ўзларининг оқар сув, коллектор, йўл ва бошқа инфратузилма тармоқларига эга бўлишлари лозим. Буларсиз ютуққа эришиш қийин. Шу боис фермер хўжаликларини имкон қадар битта массив ёки йўналишга жамлаш мақсадга мувофиқдир. Қарамоғида камида 45-50 гектар ери, 80-100 бош қорамоли бўлган йирик фермер хўжаликларини тузишнинг иқтисодий самараси янада катта. Гап қишлоққа, фермерлик ҳаракатига моддий мадад ҳақида кетар экан, жабҳага кредит маблағларини кўпроқ йўналтириш муҳим эканлигини алоҳида таъкидламоқ зарур. Вилоятимиз иқтисодиётининг равнақи қишлоқ хўжалигига кўп жиҳатдан боғлиқ экани назарда тутилса, кредит маблағларини бу соҳага кўплаб жалб этиш тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири экани ойдинлашади. Шу туфайли ҳам фермерлик ҳаракати эҳтиёжлари учун кредит маблағларини янада кўп миқдорда ажратиш тарафдориман. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархининг арзонлиги ер эгасини фидойи ва шижоатли меҳнатга отлантиради, руҳиятини кўтаради, энг муҳими, турмушни фаровон этади. Фикримизча, маҳсулот таннархини арзонлаштириш чораларидан бири мукаммал ва ҳалол рақобатига асосланган хизмат кўрсатиш тизимидир. Фермерларга техникавий, агрокимёвий хизмат кўрсатувчи, уруғлик ва ёқилғи билан таъминловчи ташкилотлар сонини кўпайтириш лозим. Фермерлик ҳаракати энг арзон нархларда ва сифатли хизмат кўрсатувчи корхоналарни танлаш имконига эга бўлмоғи шарт. Бунинг учун бозор ҳукмронлигини қўлда сақлаётган корхона ва ташкилотлар билан бемалол беллаша оладиган кучли тизимларни вужудга келтириш тараддудини янада кучайтирмоғимиз зарур. Фермерлар юқори самара берувчи илғор агротехника усуллари, технологик воситалар, сара уруғликлар, илм, фан ютуқлари асосида яратилган замонавий машиналарга ҳам катта қизиқиш билан қарашаяпти. Бизнингча, уларга хизмат кўрсатувчи сервис ташкилотлари фермер аҳлининг ана шу талаби ва эҳтиёжини қондиришга ҳали тўла тайёр эмас.

Ҳозирги ҳуқуқий-иқтисодий муносабатлар шартномавий мажбуриятларга нисбатан юксак эътибор ва масъулликни тақозо этаяпти. Синчиклаб қаралса, аксарият шартномалар тайёрловчиларнинг манфаатларини кўзлашини билиб олиш қийин эмас. Бунинг оқибати ҳам аён: манфаатдан бебаҳра қолган деҳқоннинг қўли тезда ишдан совийди ва бозорда муайян маҳсулот тақчиллиги содир бўлади. Бундан деҳқон-фермерни чув туширган ўша тайёрловчининг ўзи ҳам зиён кўради.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, фермерлик ҳаракати мамлакатимиз тараққиётининг муҳим омилидир. У ер эгаларининг манфаатларига асосланганлиги билан янада эътиборли. Манфаатдорлик эса тараққиёт гарови ҳисобланади.

Қўшқўпирликлар тажрибасининг умумий жиҳатлари ана шулардан иборат.

Суҳбатдош: Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

НИКОҲДАН АЖРАТИШ

ЁКИ УНГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Бош қомусимиз — Конституциянинг 63-моддасида қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади. Шунинг учун оиланинг тузилиши ва тугатилиши нафақат эр-хотиннинг шахсий ишлари, балки жамият ва давлат манфаати билан ҳам боғлиқдир. Оила кодексининг 38-моддасига мувофиқ никоҳдан ажратиш суд тартибида ҳамда маъмурий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идораларида (ФҲДЁ) амалга оширилади. **"Судлар томонидан никоҳдан ажартиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида"**ги Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябр кунидаги 22-сонли қарорида судларга оилани мустаҳкамлаш, эр-хотин ва уларнинг фарзандларини қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилишдан келиб чиққан ҳолда никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни фуқаролик ишларининг энг муҳим туркумларидан бири деб ҳисоблаш ва бундай ишларни кўришга эътиборни кучайтириш юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган.

Ушбу туркумдаги фуқаролик ишларини судларда кўриб, ҳал қилишнинг муҳим процессуал хусусияти ҳам шундаки, суд никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни ҳал этишда энг асосий эътиборни ёки процессуал мақсадни низони мазмунан тезроқ ҳал этишга эмас, балки эр ва хотинни яраштириш чораларини кўришга қаратади. Хусусан, бу борада судья Оила кодексида белгиланган олти ойгача бўлган яраштириш муҳлатини бериш ёки эр-хотинни яраштириш мақсадида зарур ҳолларда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла кенгашлари ёки ўзини-ўзи бошқариш идораларига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин.

Таъкидлаб ўтилганидек, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар суд ҳамда ФҲДЁ идораларига тааллуқлидир. Никоҳдан ажратиш борасидаги ҳар қандай низонинг мавжудлиги ишни судда даъволи ишлар тартибида кўрилишини тақозо этади. Қонунчиликка биноан, эр-хотин никоҳдан ажралишга ўзаро рози бўлса, уларнинг вояга етмаган болалари ҳамда ўртада моддий таъминот ёки мол-мулкни бўлиш тўғрисида низо мавжуд бўлмаса, никоҳдан ажратиш маъмурий тартибда, яъни ФҲДЁ идоралари томонидан оддий шаклда амалга оширилади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, қонунчилик эр-хотиннинг вояга етмаган болалари деганда, асосан умумий бўлган фарзандларга эътибор қаратади. Яъни эр-хотиннинг ўртасидаги фарзандлари ҳамда бирга асраб олган фарзандлари умумий болалари ҳисобланади. Умумий бўлмаган фарзандларнинг (масалан, эр-хотиндан бирининг фарзанди ёки асраб олган фарзанди) мавжудлиги никоҳни маъмурий тартибда бекор қилишга қарши далил бўлолмайди.

Оила Кодексининг 39-моддасига мувофиқ эр хотининнинг ҳомиладорлик вақтида ва бола туғилганидан кейин бир йил мобайнида хотининнинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишни қўзғатишга ҳақли эмас. Агар хотиннинг ҳомиладорлиги ва никоҳдан ажралишга розилигининг йўқлиги ишни аппеляция ёки кассация босқичида кўриш вақтида маълум бўлиб қолса, иш юритиш ушбу босқичда суд томонидан тугатилиши лозим. Мазкур туркумдаги фуқаролик ишларининг яна бир процессуал хусусияти шундаки, одатда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризалари жавобгарнинг яшаш жойидаги судга тақдим этилса-да, лекин ФПКнинг 241-моддасига мувофиқ даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги, оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойига ҳам тақдим этилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар фақат даъвогар, яъни фақат эр ва хотиннинг аризасига кўра қўзғатилиши мумкин. Бошқа фуқаролик ишларидан фарқ қилган ҳолда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни прокурор ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қўзғатиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки никоҳга кириш ихтиёрий бўлганидек, никоҳдан ажралиш ҳам эр-хотиннинг мутлоқ ихтиёрига боғлиқ бўлиб, унга бировнинг аралашиши Қонун асосида таъқиқланади.

Маълумки, ҳар қандай даъво аризаси шартли равишда тўрт қисмдан иборат бўлади. Булар сирасига кириш, тавсифлаш, асослантириш ҳамда даъвогарнинг талаби киради. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси ҳам ушбу қоида ҳамда ФПКнинг 149-моддаси талаблари асосида тузилиши лозим. Даъво аризасининг кириш қисмида ариза берилаётган суднинг номи, даъвогарнинг фамилияси, исм-шарифи, яшаш манзили, жавобгарнинг фамилияси, исм-шарифи ва яшаш манзили, даъво предмети ҳисобланмиш никоҳни бекор қилиш кўрсатилади. Даъво аризасининг тавсифлаш қисми аризанинг асосий қисми бўлиб, унда даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатаётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқловчи далиллар, даъвонинг фактик асослари кўрсатилади. Даъво аризасининг асослантириш қисмида эса никоҳ қачон ва қаерда қайд этилганлиги, вояга етмаган фарзандларнинг бор ёки йўқлиги, уларнинг ёши, эр-хотин ўртасида фарзандларни таъминлаш ва тарбиялаш ҳақида келишув бўлган-бўлмаганлиги, эр-хотиннинг ажралишга рози ёки рози эмаслиги қайд этилган. Шунингдек, асослантириш қисмида эр-хотинни ажралиш сабаблари албатта, кўрсатилган бўлиши керак ва ушбу ажралиш сабаблари суд томонидан чуқур ўрганиб чиқилиши лозим.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризасида ажралиш сабабларини кўрсатилиши, **биринчидан,** жавобгар тарафнинг суд мажлисига қадар бу сабаблар билан танишиб, тегишли далилларни судга тақдим этиш имкониятини берса, **иккинчидан,** судлар оиланинг барбод бўлганлик сабабларини аниқлаб, эр-хотиннинг нолойиқ хатти-ҳаракати ҳамда оиланинг барбод бўлишига сабаб бўлган омилларнинг олдини олиш юзасидан бошқа шахслар устидан алоҳида ажримлар чиқариш, тарбиявий хусусиятга эга чоралар кўриш, оилавий келишмовчиликларни ечишга ёрдам бериши учун ажрим нусхаларини уларнинг иш, ўқиш ёки яшаш жойларидаги хотин-қизлар қўмиталарига юбориш имкониятига эга бўлади.

Инши судда кўришга тайёрлаш жараёнида судья эр-хотин ўртасида суд томондан ҳал этиши лозим. Мазкур туркумдаги фуқаролик ишларининг яна бир процессуал хусусияти шундаки, одатда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризалари жавобгарнинг яшаш жойидаги судга тақдим этилса-да, лекин ФПКнинг 241-моддасига мувофиқ даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги, оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъволар даъвогарнинг яшайдиган жойига ҳам тақдим этилиши мумкин.

Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар фақат даъвогар, яъни фақат эр ва хотиннинг аризасига кўра қўзғатилиши мумкин. Бошқа фуқаролик ишларидан фарқ қилган ҳолда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишларни прокурор ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мурожаат этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат бошқаруви идоралари, ташкилотлар ва айрим фуқаролар қўзғатиш ҳуқуқига эга эмас. Чунки никоҳга кириш ихтиёрий бўлганидек, никоҳдан ажралиш ҳам эр-хотиннинг мутлоқ ихтиёрига боғлиқ бўлиб, унга бировнинг аралашиши Қонун асосида таъқиқланади.

Маълумки, ҳар қандай даъво аризаси шартли равишда тўрт қисмдан иборат бўлади. Булар сирасига кириш, тавсифлаш, асослантириш ҳамда даъвогарнинг талаби киради. Никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво аризаси ҳам ушбу қоида ҳамда ФПКнинг 149-моддаси талаблари асосида тузилиши лозим. Даъво аризасининг кириш қисмида ариза берилаётган суднинг номи, даъвогарнинг фамилияси, исм-шарифи, яшаш манзили, жавобгарнинг фамилияси, исм-шарифи ва яшаш манзили, даъво предмети ҳисобланмиш никоҳни бекор қилиш кўрсатилади. Даъво аризасининг тавсифлаш қисми аризанинг асосий

Олий суд Пленум қарорида таъкидланганидек, оиладаги вақтинчалик келишмовчиликлар, тасодифан келиб чиққан низолар, шунингдек, жиддий асосларга эга бўлмаган сабабларга кўра эр-хотиндан бири ёхуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатини давом эттиришни хоҳламаслиги суд тартибида никоҳдан ажратиш учун етарли асос бўла олмайди.

Эр-хотиннинг бундан буён бирга яшаш ва оилани сақлаб қолишга имконияти йўқлиги, яъни оиланинг тамомила барбод бўлганлиги аниқланса,гина суд никоҳдан ажратиш ҳақидаги талабини қаноатлантириши мумкин.

Маълумки, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат бож ставкалари ҳақида"ги 533-сонли қарорига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоиз миқдорида давлат божи ундирилади. Бошқа фуқаролик ишларидан фарқ қилган ҳолда ушбу туркумдаги ишлар юзасидан ундириладиган давлат божидан кўзланган асосий мақсад суд харажатларини қоплаш эмас, балки асоссиз бериладиган даъво аризаларини камайтириш, пировардида эса, оилалар ажралишини олдини олишдир.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, мамлакатимиз қонунчилигида никоҳни бекор қилиш масаласи ҳар томонлама ёритиб берилган. Уларда инсонийлик тамойилларининг устувор экани янада эътиборлидир.

Акрам АҲЛИМИРЗАЕВ

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИ

УНГА НИСБАТАН КИМ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРИШИ МУМКИН?

Мамлакатимизда амалда бўлган қонунлар бўйича туғилишни қайд этиш дафтарида ота-онанинг кўрсатилиши юридик далил ҳисобланса-да, бу далил мутлоқ эмас. Яъни унга нисбатан суд тартибида, тегишли далолатнома ёзувлари амалга оширилгач, исталган пайтда эътироз билдирилиши мумкин.

Қуйидагилар бундай эътироз билдириш ҳуқуқига эга:

1. Боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахслар;

2. Боланинг ҳақиқий отаси ёки онаси;

3. Боланинг ўзи, у 18 ёшга тўлгач;

4. Боланинг васийси (ҳомийси);

5. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ота ёки онанинг васийси.

Шуни инобатга олган ҳолда, отаси фалон шахс деб қайд қилинган болага нисбатан оталикни аниқлаш тўғрисидаги даъво кўриб чиқилаётганда, суд ўша шахсни албатта, ишга жалб қилиши шарт. Нега деганда, аризада баён этилган талаблар қондирилган тақдирда боланинг отаси ҳақидаги аввалги ёзувлар бекор қилинади.

Агар манфаатдор шахслар ўртасида (масалан, боланинг онаси, боланинг отаси деб ёзилган шахс ва боланинг ҳақиқий отаси ўртасида) бу масала юзасидан низо чиқмаса, суд боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлардан унинг отаси ҳақидаги илгариги ёзувни бекор қилиш ва янги маълумотларни (яъни, бошқа шахснинг оталиги аниқланганлиги борасида) киритиш ҳақидаги талабни ҳам кўриб чиқади.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, оталик ҳақидаги ёзувга эътироз билдириш тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилаётганда, суд боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқини ҳисобга олиши керак. Чунки Оила Кодексининг 68-моддасида, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, бола ўз фикрини ифода қилиш, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида сўзлашга ҳақлидир, деб қатъий белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари боланинг онаси билан никоҳда бўлмаган, лекин оталиги ариза бўйича ёки суд тартибида аниқланган шахс оталик тўғрисида суд орқали эътироз билдирган тақдирда, агар суд туғилганлик тўғрисидаги ёзувни тузиш вақтида шахс болага формал равишда "оталикка" розилик бергганлигини аниқласа, эътироз билдириш тўғрисидаги талаб суд томонидан қондирилиши мумкин эмас.

Оила Кодексида боланинг отаси (онаси) тўғрисидаги ёзувга суд орқали эътироз билдириш ҳуқуқини аниқ бир муддат билан чеклаб қўйилмаган. Мазкур кодекснинг 63- моддасига кўра, боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс унга бундай ёзув маълум бўлган ёки маълум бўлиши лозим бўлган вақтдан эътиборан 1 (бир) йил давомида ана шу ёзув тўғрисида суд тартибида эътироз билдиришга ҳақлидир. Агар шу вақтга келиб боланинг отаси ёки онаси деб ёзилган шахс вояга етмаган бўлса, 1 (бир) йиллик муддат мазкур шахс 18 ёшга тўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, оталик (оналик) тўғрисида эътироз билдириш қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Мураккаб ҳаётимизда онда-сонда бўлса-да, учрайдиган оталик ёки оналикка доир низоли масалалар одил судловимиз томонидан кўриб чиқилиб., адолатли ҳал қилиниши мумкин.



Қадим Кеш манзаралари

КЕШЛИК ДИПЛОМАТ

Миллий давлатчилигимизнинг шаклланиш ва тараққий этиш жараёнида миллий дипломатия ҳам ўзига хос ўрин тутган. Қадимқадимдан аждодларимиз тинчлик, адолат ва ҳамкорлик истаб, ўз вакилларини узоқ-яқин мамлакатларга элчи сифатида йўллаган. Ва ўз навбатида ўзга мамлакатлардан келган элчиларни дипломатия талабларини ўрнига қўйиб кутиб олган.

Бу ҳол, айниқса, Соҳибқирон Амир Темур даврида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Маълумки, Соҳибқирон бобомиз Самарқандда нафақат қўшни давлатлар, ҳатто олис Европадан келган элчиларни қабул қилган. Шу билан бирга Амир Темур ўз элчиларини Европага ҳам жўнатган.

Ана шундай элчилардан бири Муҳаммад ал-Кешийнинг Европага сафари хусусида қуйида ҳикоя қиламиз.

Соҳибқирон Амир Темур ўзининг ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишда олимлар, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахслардан ўринли фойдаланган, уларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган.

Бу пайтда Соҳибқироннинг шуҳрати бутун Европага ёйилган эди. Европа давлатлари қироллари Шаркда пайдо бўлган қудратли ҳукмдор билан алоқа ўрнатишга, Усмонли салтанатининг тазйиқи ва ҳужуми хавфидан қутулиш учун ундан фойдаланишга интилмоқда эдилар. Кастилия ва Леон (Испания) қироли Энрике (Хенрих) учинчи ҳам Амир Темур ҳузурига элчилар юборди. Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос вазиятни ўрганиши, темурийлар салтанати билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга ҳаракат қилишлари зарур эди. Элчилар Боязид Елдирим билан уруш арафасида келганликлари сабабли бевосита бу жангнинг гувоҳига айланишди, Амир Темурнинг қудратига ишонч ҳосил қилишди.

Жангдан кейин Амир Темур элчиларни қабул қилди. Гарчи Соҳибқирон Ибн Халдун ва бошқа сайёҳлардан Испания ҳамда унга қўшни мусулмон Гранада давлати ҳақида кўп нарса эшитган бўлса-да, элчилардан ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олди. Шундан сўнг элчилар зиёфатларда иштирок этдилар, совғасаломлар билан тақдирландилар.

Маълумки, Мағриб (Шимолий Африка) араблари милодий 711 йили Жиболи Тариқ (Гибралтар) бўғозидан ўтиб, Испанияга бостириб кирган ва уч йил давомида жанубий ва марказий вилоятларни эгаллаб олган эдилар. Натижада араб мамлакатлари фуқаролари, туркслар, форслар, яҳудийлар Пиреней ярим оролига кўплаб кўчиб ўта бошладилар. Улар орасида ҳунармандлар, шоирлар, олимлар, санъаткорлар бор эди. X асрга келиб, Испаниянинг араблар ал-Андалус деб атаган жанубий ва марказий қисми аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат эди. Ал-Андалус халифалик маркази — Бағдоддан узоқ бўлгани учун кўп масалаларда мустақил сиёсат олиб борарди. Ҳукмдорларнинг илм ва маърифатга мойиллиги, ғарб ва шарқ маданияти ҳамда санъатининг ўзаро таъсири туфайли ал-Андалус илғор давлатлардан бирига айланган эди. Аммо ўзаро ички курашлар туфайли XIII асрга келиб, Ал-Андалус майда давлатларга бўлиниб кетди. Кордова, Толедо, Бадахоса, Валенсия, Дения, Альмерия, Гранада, Севильялар кичик давлатларининг пойтахтларига айландилар. Салбчиларнинг қутқуси, испан халқининг миллий озодлик ҳаракати туфайли 1236 йили Кордова, 1248 йили Севилья ва Валенсиялар испанлар қўлига ўтди.

Амир Темур бу воқеалардан озмикўпми хабардор эди. Испания элчиларини кузатиш пайтида Амир Темур уларга Муҳаммад ал-Кешийни ҳам кўшиб жўнатади. У Соҳибқироннинг дўстона руҳда ёзилган мактуби, турли хил қимматбаҳо совғалар қатори Боязид Йилдирим ҳарамида бўлган икки насроний аёлни ҳам бирга олиб кетади. Бу билан Амир Темур ўзининг насронийларга бўлган хайрихоҳлигини, салтанатида барча динлар учун эркинлик борлигини амалда кўрсатади. Зеро, Амир Темур диний қарашларидан қатъий назар, барча давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли тижорий алоқалар кенгайиши тарафдори эди. Худди шу фикр Соҳибқироннинг Англия ва Франция қироллари ва ўрдаларига ёзилган мактубларида ҳам акс этган.

Муҳаммад Кеший Кастилия қироли саройида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У саройдаги қабуллар ва йирик зодагонлар қасридаги зиёфатларда иштирок этади. Халқнинг тили ва урф-одатларини ўрганади. Фуқаролар билан мулоқотда бўлади. Табиийки, Кастилия ва унга кўшни Оврупо давлатларининг кучқудрати, ўзаро алоқалари хусусида ҳам маълумотлар йиғади. Бу мамлакатда бир йилга яқин қолиб кетади. Энрике учинчи унга 1403 йилнинг май ойида қайтишга рухсат беради. Энди унга қиролнинг иккинчи элчилиги вакиллари – Фрай Альфонса Паэз де Санти Мария, илоҳиётшунослик олими Гомес де Салазар ва Рюи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлик қилади.

Элчилар узоқ машаққатли йўлни босиб ўтадилар, кўплаб хатарларни бартараф этадилар. Дастлаб улар Амир Темур Кичик Осиёда ёки Қорабоғда турган пайтида унинг ҳузурига киришни режалаштирадилар. Аммо Константинополь (Истанбул)дан Трапезундга келаётган кема Қора денгизда ҳалокатга учрайди. Улар бир амаллаб қирғоққа чиқиб оладилар. Муҳаммад Кеший испанияликлар кийимини кийиб олишга мажбур бўлади. Чунки йўлда турли-туман қароқчилар кўп эди. Қулай йўл тополмаган элчилар яна Константинополга қайтишга мажбур бўлади ва 1403-1404 йил қишини шаҳарнинг қарама-қарши қирғоғида жойлашган Генуяликларга қарашли Пера шаҳрида ўтказади.

1404 йилнинг баҳорида элчилар яна ўз сафарларини давом эттиradida эдилар. Ҳадялар ичида қимматбаҳо совғалар билан бирга, жирафа, туяқуш сингари ғаройиб ҳайвонлар ҳам бор эди. Хабарчилар Амир Темурнинг Самарқандга йўл олганлигини маълум қилдилар. Элчилар ҳам изма-из йўлга тушдилар.

Султония шаҳрида уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилади ва гўзал боғда элчилар шарафига зиёфат берди. Испания ва унга кўшни давлатлар ҳақидаги вазият ҳақида сўраб-суриштиради. Клавихо шаҳзодани 40 ёшлар атрофидаги, барваста, бироз тўлишган, бод касали анчагина қийнаб қўйган шахс сифатида тасвирлайди.

Яна бир неча кундан кейин сафар давом эттирилади. Йўл азоби — гўр азоби, деганлари бежиз эмас. Ҳамроҳлардан бири — Гомес де Салазар Нишопур шаҳрида ичима касалидан вафот этади. Муҳаммад Кеший ва ҳамроҳлари уни дафн этиб, яна йўлга тушадилар. Балх шаҳри яқинида Амударёдан ўтиб, аввал Термизга, сўнгра Шаҳрисабзга етиб келадилар. Оқсаройнинг маҳобати Клавихони ҳайратга солади. У саройнинг ички ва ташқи кўриниши, безакларини тасвирлар экан, ҳамон қурувчилар сўнгги пардозлаш ишларини олиб бораётганликларини қайд этади.

Ниҳоят, элчилар 1404 йилнинг август ойида Самарқандга етиб келадилар. Пойтахт шаҳарда кастилиялик элчилар бироз ҳордиқ чиқарадилар, Миср, Хитой ва бошқа давлатларнинг элчилари билан бирга аудиенцияни – Амир Темур томонидан қабул қилишни кутиб турадилар. Қабул маросими 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида ўтказилади. Бу тадбирга шаҳар аҳолисидан ҳам кўп киши таклиф этилган эди.

Muloqot

МОЛИЯВИЙ ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ НИМА?

Ҳар кун таҳририятимизга газетхонлардан ўнлаб мактублар келади. Бу мактубларда турфа хил фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. Ана шундай мактублардан бирини Сурхондарё вилояти, Музработ туманида фаолият юритаётган тадбиркор Зайнаб Саидова йўллаб, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олишни билдирган.

Биз қуйида газетхон талабидан келиб чиқиб, у йўллаган саволларга ҳуқуқшунос О. Ражабовнинг жавобларини ҳавола этмоқдамиз.

САВОЛ: ***Лизинг объектига эгалик қилиш учун лизинг олувчининг маблағи иштирок этиши шартми? Агар шарт бўлса, лизинг объекти қийматининг камида неча фоизини ташкил этиши керак?***

ЖАВОБ: Шуни айтиш лозимки, лизинг объектини олиш учун лизинг олувчининг маблағи иштирок этмайди. Чунки молиявий лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унда бир томон (лизинг берувчи) иккинчи томон (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи томондан (сотувчидан) мулк (лизинг объекти)ни лизинг шартномасида белгиланган шартларда лизинг олувчига тўлов асосида фойдаланиш, эгалик қилиш, кейинчалик эса лизинг олувчининг хусусий мулкига ўтиш шарти билан бериш мақсадида сотиб олади.

Молиявий лизингнинг бошқа операцияларни амалга оширишдаги манбаи банкнинг кредит ресурслари ҳисобланди.

"Лизинг тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддасида таъкидланганидек, банклар лизинг фаолиятини ўз маблағлари ёки жалб этилган маблағлар ҳисобидан амалга оширади.

Баён этилганларга асосан лизинг олувчининг маблағи лизинг объектини олишда иштирок этмайди. Бошқача айтганда, лизинг объекти лизинг берувчининг маблағи ҳисобидан олинади.

САВОЛ: ***Банк ўз маблағи ҳисобидан лизинг объектини лизинг олувчига олиб берса, лизинг шартномасининг муддати 5 йил бўлиши мумкинми?***

ЖАВОБ: Лизинг объекти банкнинг маблағи ҳисобидан сотиб олинади. Лизинг шартномасининг муддатини ҳал этиш қуйидаги қоида билан узвий боғлиқ.

Бу қоида шундан иборатки, шартноманинг муддати лизинг объекти хизмат даврининг 80 фоизидан ошади ёки лизинг шартномаси муддат тугаганидан кейин лизинг объекти қиймати қолдиғи унинг дастлабки қиймати қолдиғининг 20 фоизидан кам миқдорни ташкил этади. Ушбу қоидага асосан лизинг объекти (маълум бир ускуна)нинг хизмат даври ундан унумли фойдаланиш мумкин бўлган муддатлар ҳисобланиб, у лизинг шартномаси муддатини белгилашда асосий мезон ҳисобланади. Лизинг объекти (маълум бир ускуна)дан фойдаланиш муддат қанчалик узоқ бўлса, молиявий лизинг шартномасининг муддати ҳам шунчалик узоқ қилиб белгиланади. Шу ўринда изоҳ бериб ўтиш жоизки, агар лизинг объектининг хизмат даври, яъни ундан тўлиқ имконият билан фойдаланиш муддати мисол тариқасида 7 йил бўлса, молиявий лизинг шартномасининг муддати 7 йилнинг 80 фоизидан ортиқ қисмига нисбатан, яъни 60 фоиздан ортиқ муддатга белгиланади.

САВОЛ: ***Банк маблағи ҳисобидан олинган лизинг объекти гаров объекти бўлиши мумкинми?***

ЖАВОБ: Лизинг объекти гаров объекти бўла олмайди. Чунки молиявий лизинг шартномасида лизинг объекти банкнинг мулки ҳисобланиб, бу шартнома бўйича банк кредитор ҳисобланади. ФК нинг 26-моддаси, 2-қисмига мувофиқ кредитор гаров қўювчи сифатида қарздор, шунингдек, учинчи шахс бўлиши мумкинлиги эътироф этилган. Бу ўринда кредиторнинг гаровга қўювчи сифатида иштирок этиши мумкин ёки мумкин эмаслиги эътироф этилмаган.

САВОЛ: ***Лизинг объектининг қиймати 5000 АҚШ долларига эквиваленти миқдоридан юқори бўлган миллий валютага тенг бўлса банк ушбу молиявий лизинг операциясини амалга ошириши мумкинми?***

ЖАВОБ: "Лизинг тўғрисида"ги Қонун, ФК нинг 34-боб (Лизинг молиявий ижараси), 597-599-моддаларида Марказий банк бошқаруви томонидан 1999 йил 7 майда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1999 йил 20 июлда рўйхатга олинган 776-сонли **"Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тартиби тўғрисида"**ги Низомда лизинг объектининг қиймати бирор сумма билан чекланмаган. Низомнинг 1.4-бандида белгиланган банк томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун сарфланган инвестиция маблағларини қайтариш, тўлов, лизинг объектидан фойдаланганлик учун муайян суммаларни тўлаб бориш, муддатлилик лизинг муносабатларини тарафлар ўртасида аниқ белгиланган муддат ичида амал қилиши, таъминланганлик, тарафларнинг лизинг шартномаси юзасидан олган мажбуриятларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш учун қонунчиликда белгиланган чораларни кўриш (гаров, кафиллик, шартнома бўйича жавобгарликни суғурта қилиш ва бошқа шартлар) тўлиқ бажарилган бўлса, молиявий лизинг шартномаси ҳар қандай қийматдаги лизинг объекти юзасидан тузилаверади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Қонун ва Низомда баъзи бир ҳолатлар, лизинг объекти гарови, лизинг шартномасининг муддати ва бошқа шу каби масалаларнинг ечимига доир аниқ қоидалар белгиланмаган. Бу ҳол тадбиркорлик фаолияти субъекти учун турли тушунмовчиликлар, баъзида эса сансалорликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун бу қоидалар субъектларга аниқ ва тушунарли тарзда ишлаб чиқилиши зарур. Шунда тадбиркорларга яна бир қулайлик яратилган бўлар эди.

Ijro mas`uliyati

СУД ҚАРОРИ:

У ҚАЧОНГАЧА ҚОҒОЗДА ҚОЛАДИ?

2001 йилнинг баҳор кунлари эди. Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг раҳбарлари Бойсун туманидаги "Мўмин" кичик корхонаси раҳбарларидан шаҳарни ободонлаштириш ишларида гипс уни тайёрлаб беришни илтимос қилишди.

— Маҳсулотнинг тўлови нима бўлади? — деб сўрашди кичик корхона раҳбарлари.

— Шартнома тузамиз. Ўша шартномада белгиланган муддатда тўловлар сўзсиз амалга оширилади, - дея ваъдани қуюқ қилишди шаҳар ҳокимиятидагилар.

Шундай қилиб, "Мўмин" кичик корхонаси Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси билан 2001 йилнинг 29 март куни 08-сонли шартнома тузди. Шартномага биноан шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси маҳсулот ҳақининг 15 фоизини олдиндан тўлаш мажбуриятини олди. Шартноманинг биринчи куниданоқ унда кўрсатилган шартнинг ана шу қисми бажарилмади.

— 15 фоизни тўлаш керак, - дейишди кичик корхонадагилар. — Мана, дастлабки ўн тонна маҳсулотни олиб келдик. Шартнома шарти бузилаяпти-ку!

— Тўлаймиз, фақат қурилиш чала қолмасин, топшириш муддати ўтиб кетмоқда. Танг аҳволдан қутқаринглар, илтимос, — дея ялинишди бошқармадагилар.

"Мўмин" кичик корхонаси бошқармадагиларнинг ваъдаларига ишониб, Термиз шаҳар ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармасига 2245200 сўмлик гипс маҳсулотини олиб келиб берди. Гарчанд пули тўланмаган бўлса-да, кичик корхона ўзаро имзоланган шартномадаги барча шартларни бажарди.



— Мана, шартномада кўрсатилган барча маҳсулот омборга олиб келиб туширилди, энди ҳақини тўланглар, — дейишди кичик корхона раҳбарлари.

— Оласизлар, яқин кунларда ҳал қилиб берамиз, - дея ваъдани яна қуюқ қилишди капитал қурилиш бошқармасидагилар.

Халқ орасида соғяга қараб, тўн бичма, деган гап бор. Бунинг маъзини чақишмаган "Мўмин" кичик корхонасининг раҳбар-у масъул ходимлари Термиз шаҳрига йил давомида қатнаб сарсон бўлишди. Уларни лафзсиз ҳамкорлари "янаги ҳафта, келадиган ойда бажарамиз, ҳаммаси жойида бўлади", деган ёлғон ваъдалар билан бир йил алдашди. Кичик корхонадагилар маҳсулотнинг ҳақини қуруқ ваъдалар эвазига ололмасликларни билгач, шу йил апрел ойида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритишди. Вилоят хўжалик суди 19-0206-438-сонли ишни кўриб чиқиб, Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасидан "Мўмин" кичик корхонаси фойдасига 2 миллион 245 минг 200 сўм асосий қарз, 1 миллион 122 минг 600 сўм жарима, 3460 сўм почта харажатлари — жами 3 миллион 371 минг 260 сўм ундириш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Milliy diplomatiya tarixi

Муҳаммад Кеший маросимга негадир испанияликлар кийимида келади. ***"Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошлари кулиб юборишди",*** деб ёзади Клавихо.

Кастилия элчилари қиролнинг мактуби ва ҳадяларини қип-қизил олмалар сузиб юрган фаввора ёнидаги баланд супа устида, шоҳи кўрпачаларга ёнбошлаган Соҳибқиронга топширдилар. Анча кексайиб қолган Амир Темур элчиларни якинроққа олиб келишни буюради ва уларга синчковлик билан тикилади, Кастилия қиролининг соғлиги ва ишлари ҳақида сўрайди. Сўнгра элчилар зиёфатга таклиф этиладилар. Клавихо ўз қундаликларида зиёфат жараёнини батафсил тасвирлайди.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига насроний дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн Ҳелонифонтибуслар ана шундай вазифаларни адо этишган. Масалан, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қироллари Соҳибқироннинг хатларини олиб борган. У Амир Темур, унинг зафарли юришлари, адолатли сиёсати ҳақида рисола ҳам ёзган. Мусулмон дипломатларидан фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

Ijro mas`uliyati

СУД ҚАРОРИ:

У ҚАЧОНГАЧА ҚОҒОЗДА ҚОЛАДИ?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шу йилнинг 31 май куни "Мўмин" кичик корхонаси ижро варақасини қўлига олди. Унга биноан Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасига хизмат кўрсатаётган "Уйжойжамғармабанк"нинг вилоят бўлимига суднинг инкассали топшириқномасини тақдим этди. Банк бу тўловномани қабул қилди.

"Ана энди ишлар олдинга силжийди. Суд қарорини бажармасликка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ", дея хотиржам бўлишди кичик корхона ходимлари.

Афсуски, улар чучварани хом санашган экан. Орадан 5 ой ўтган бўлса-да, кичик корхона бир ярим йил илгари ўзаро тузилган шартномага кўра, етказиб берган маҳсулотининг ҳақини Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасидан ололмай, ҳанузгача сарсон-саргардон.

— Нима қилишни, кимга мурожаат этишни ҳам билмай қолдик, — дейди "Мўмин" кичик корхонаси раҳбари Асқар Қодиров. — Суднинг қарори чиқиб, ижро варақасини олганимизга олти ой бўлди. Шунингдек, суд қарорига асосан банкка инкассали топшириқнома қўйилиб, вилоят молия бошқармаси томонидан 23202-махсус ҳисоб рақами орқали молиялаштирилган пул маблағларининг шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси ҳисоб рақамидан чиқим қилиш йўналиши бўйича (схема) ҳужжатига ҳам эга бўлдик. Бу ҳужжатларни вилоят солиқ бошқармаси, Термиз шаҳар капитал қурилиш бошқармаси, "Уйжойжамғармабанк"нинг вилоят бўлими каби мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари ўз имзолари ва муҳрлари билан тасдиқлаб беришган бўлса-да, маҳсулотимизнинг пулидан дарак йўқ. Кирмаган эшигимиз қолмади, ҳисоб. Бойсундан Термизга бориб келиш учун ҳар сафар 300 километр йўл босиш керак. Бунинг устига ишинг битмаса... Бу ёқда ишчиларга маош бериш лозим. Ҳақимизни тўламай юрган раҳбарларнинг биронтаси цехдаги оғир иш шароитини кўзи билан бир келиб кўрса эди, эҳтимол инсофга келармиди?..

Корхона раҳбари Асқар Қодировнинг қўлидаги расмий ҳужжатларни кўздан кечириб, кўнгилда қуйидаги саволлар туғилди: суд қарорлари ижро учун чиқариладими ёки жойлардаги айрим амалдор тўралар қўлида оддий бир қоғозга айланиб қолаверадими? Суд давлат божини ундириб, ҳал қилув қарорини жабрдийдага топшириб, у ёғини "бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида ташлаб қўяверадими?

Ҳолбуки, вилоят хўжалик судининг ушбу иш юзасидан тақдим этган ижро варқасида Хўжалик-процессуал Кодексининг 218-моддасига биноан «ижро варақаси топширилган банк ёки кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисида суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган маблағнинг эллик фоизигача миқдорда жарима солади. Ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш вазифаси зиммасига юклатилган шахс яна шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз баробари миқдорида жарима солинади», деб кўрсатилган.

Барчаси қонун доирасида таъкидланган. Лекин нега айбдор шахслар жазони четлаб ўтишади? Суд ҳал қилув қарорининг ижро этилмаётгани қанчадан-қанча муаммоларни келтириб чиқараётгани уларни қизиқтирмайдими? Бу маҳсулотининг ҳақини ололмай сарсон-саргардон бўлганлар қатори бизни ҳам ғоят ташвишлантиради. Шу боис мутасадди ташкилотлардан Сурхондарё вилоят хўжалик суди ҳал қилув қарорининг ижроси қачон бажарилишини аниқлашни сўрашга жазм этдик. Ўйлаймизки, улар бизнинг сўровимизни жавобсиз қолдиришмайди.

Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Саховатга йўғрилган умр

Сурат муаллифи А.ЖУМАЕВ

Taqdir tarixi

FRANKLIN D. ROOSEVELT

ХАЛҚ ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН ФАРЗАНД

Америка Қўшма Штатлари тарихида икки нафар Рузвелт фамилияли шахс давлат раҳбари лавозимида фаолият олиб борган. Улардан бири йигирма олтинчи президент Теодор Рузвелт бўлса, иккинчиси Франклин Делано Рузвелтдир.

Франклин Рузвелт Америка президентлари ичида 4 муддатга (қонун бўйича икки муддатга) сайланган, яъни 12 йил фаолият юритган ягона давлат раҳбари ҳисобланади.

Жеймс ва Сара Рузвелтларнинг ёлғиз фарзанди бўлган Франклин 1882 йилнинг 30 январ куни Нью-Йорк штатининг Спрингвуд шаҳарчасида дунёга келди. Франклиннинг отаси Олевейр ва Хюдсон темир йўл станцияларида муовин лавозимида ишлаган. Онаси Сара эса анча бой оиладан чиққан. Франклин дунёга келганида отаси 53 ёш, онаси 26 ёшда эди. Оилада ёлғиз фарзанд бўлгани учун Франклин ҳар томонлама тўқ бўлиб ўсди. Аммо бунга қарамай отаси унинг билим олишига катта эътибор берар, уни масъулиятни ҳис этадиган инсон бўлиб вояга етишини истар эди. Чунки Жеймснинг бор-йўқ умиди якка-ю ягона фарзанди Франклиндан эди. Франклин 3 ёшгача ота-онаси билан Европа давлатлари бўйлаб саёҳат қилди. У 14 ёшигача малакали профессор ўқитувчилар қўлида таълим олди. Энг асосийси, у бу пайтда немис, француз тилларида бемалол гаплаша оладиган бўлди. Шундан сўнг Франклин Массачусетс штатидаги Гротан мактабига ўқишга кирди. 1900 йили у мактабни тамомлагач, машҳур Гарриверд университетига талабаликка қабул қилинди. Университетда таҳсил олиб юрган кезларида у ўзининг қобилияти ва тиришқоқлиги билан профессор ҳамда талабалар ўртасида яхши таассурот қолдирди. Шу сабабли у университетда чоп этиладиган "Гарриверд Кримсан" номли газетанинг бош муҳаррирлигига тайинланди.

Университетни тамомлаган Франклин отасининг қистови билан Колумбия университетининг ҳуқуқшунослик бўлимига ҳужжат топширди ва имтиҳонларни муваффақиятли топшириб, талабаликка қабул қилинди. Аммо диплом олишга бир йил қолганда Франклин ҳуқуқ идораларида ишлашни унчалик ёқтирмаслиги сабабли ўқишни ташлаб кетди. Шундан сўнг у уч йил давомида Нью Йорк штатидаги юридик ташкилотларнинг бирида хизматчи бўлиб ишлади.

Франклин ёшлигиданоқ амакисининг Илинар исмли қизини яхши кўрарди. Бироқ унинг онаси нима сабабдандир Илинарни ёқтирмасди. У ўғлини ундан совутиш мақсадида 3-4 ой саёҳатга ҳам олиб бориб келди. Бироқ онасининг бу ҳаракатлари Франклин ва Илинарни бир-биридан айиролмади. Ниҳоят, 1905 йилнинг баҳорида Рузвелтлар оиласида катта тўй бўлиб ўтди. Шуниси қизикки, Илинар Теодор Рузвелтнинг жияни эди.

Эр-хотин тўрт нафар ўғил ва икки нафар қизли бўлишди. Ўғилларидан Жеймс ва Жон кейинчалик мамлакат вакиллар палатасида ишлашди. 1910 йилда демократлар Франклинга Нью-Йорк сенаторлигига номзодини қўйишни таклиф этишди. Шу тариқа сайловга номзодини қўйган Рузвелт унда ғолиб чиқди ва демократларга бошчилик қила бошлади. Уч йилдан сўнг АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Вудро Вилсон Франклинни Невия штатининг котиби этиб тайинлади. Штат раҳбари Жозеф Франклинга сиёсатдан чуқур дарс беради. Бу даврга келиб биринчи жаҳон уруши бошланди. Рузвелт армияга отланишга қарор қилди. Бироқ уни урушга жўнатишмади.

1921 йилда Рузвелтлар оиласида бахтсиз ҳодиса юз берди. Аниқроғи, кутилмаганда Франклиннинг оёқ-қўллари ишламай қолди. Кундан-кунга аҳволи оғирлашаётган Франклинни кўрган кишилар шу билан унинг сиёсий фаолияти ҳам тугади, деб ўйлашди. Бироқ бу каби миш-мишларни эшитган Франклин ҳаёт учун янада шижоат билан кураша бошлади. Ҳар куни мунтазам равишда бажарилган бадантарбия машқлари ўз самарасини берди. Аста-секин соғлиғини тиклай бошлаган Рузвелт орадан кўп вақт ўтмай Нью-Йорк ҳокимлигига сайланди. Ҳокимлик даврида Франклин штат қонунчилигини эркинлаштирилишига катта ҳисса қўшди. Хусусан, фуқаролардан олинадиган солиқлар миқдорини камайтирди, ишсизликка қарши курашда ўз вақтида зарур чора-тадбирларни кўрди. Ана шундай саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, 1930 йилда 8725 минг нафар фуқаронинг овози билан яна Нью-Йорк ҳокимлигига қайта сайланди. Шундан сўнг дўстлари Франклинни президентликка номзодини қўйишга даъват эта бошлашди. У ҳам рози бўлди. У ўзининг "Янги куч" деб номланган дастури орқали иқтисодий жиҳатдан юксалиш муаммоларини кўтариб чиқди. Рузвелт сайловолди ташвиқотлар жараёнида 38 та штатда бўлиб, халқ ишончини қозона олди. Президентлик сайловида 472 нафар фуқаронинг овозини олиб, АҚШнинг 32-чи давлат раҳбарлигига сайланди. Ўшанда кўпчилик Рузвелтни қўллаб-қувватлаб, "бахтли кунлар яна келди", деган шиор билан қўшиқ айтиб чиқишди. Бу эса Америка халқининг Президент Рузвелтга нисбатан юксак ҳурмат-эътибори ва ишончидан далолат эди.

Рузвелтнинг президентлик фаолияти мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ночор даврига тўғри келди. Ишсизлар сонининг кундан-кунга ортиб бориши, касалхоналарнинг иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолиши Рузвелтни ғоят ташвишга солди. Ана шу каби муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида у тарихда "100 кун" деб ном қозонган махсус сессия чақирди. 99 кун давом этган ушбу мажлисда зарур ислоҳотларни амалга ошириш режалаштирилиб, бир неча қонун қабул қилинди. Хусусан, Рузвелтнинг ташаббуси билан конгресс "Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" қонун қабул қилди. Шунингдек, бу даврда мамлакатда демократик жараёнлар ҳам шакллана борди. Президент Рузвелт "Демократия шунчаки эртага бўладиган иш эмас. Уни рўёбга чиқаришда ўз ҳиссаси борлигини ҳар бир инсон англаб етиши лозим", деган шиорни ўртага ташлади. 1936 йилда у иккинчи муддатга президентликка сайланди. Афсуски, унинг иккинчи муддатдаги фаолияти миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган иккинчи жаҳон уруши даврига тўғри келди.

Бу даврда Рузвелт бутун ўй-фикри ва фаолиятини мамлакат барқарорлиги-ю фаровонлигига қаратди. Шундай мураккаб вазиятда унинг президентлик муддати тугаб қолди. Учинчи муддатга номзодини қўйиш АҚШ конституциясига хилоф бўлса-да, Америка халқи оғир кунларда тажрибали давлат раҳбарига юксак ишонч билдиришни лозим топди. Шу тариқа Рузвелт 1940 йилда учинчи муддатга Президентликка сайланди. Рузвелтнинг бу даврда қилган энг катта ишлари шу бўлдики, у мамлакатларни тинчлик йўлида бирлашишга чақириш баробарида Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчил билан "Атлантика картаси" деб номланган тарихий ҳужжатни имзолади. Шуниси аҳамиятлики, кейинчалик ушбу ҳужжатни тинчлик учун курашувчи 26 та давлат расман тан олди.

1944 йилда мамлакатда президентлик сайлови ўтказилиши режалаштирилди. Ушбу сайловда республикачилар демократларга қарши жуда катта норозилик билдиришди. Франклин Рузвелтнинг президентликка тўртинчи марта сайланиши ана шундай норозиликка сабаб бўлди. Республикачилар партияси вакиллари ҳам Америка тарихида ҳеч ким Рузвелтдек 16 йил фаолият олиб бормаган, дея танқид остига олинди. Бироқ сайловда Америка халқи қонунга хилоф бўлса-да, яна ўзининг ишончли, фидойи фарзандини танлади. Аммо тўртинчи муддатга сайланган Франклин Рузвелт кўп ўтмай вафот этди.

1945 йилнинг апрел ойида Америка халқи Нью-Йоркнинг "Хайд Парк"ида содиқ ва фидойи фарзандини сўнгги йўлга кузатиб қўйди.

Ҳусан ТУРСУНОВ тайёрлади.

Jaholat

ЁВГА АЙЛАНГАН КУЁВ

Инсон умри давомида яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошидан ўтказади. Учқўрғонлик Мурод Мамадалиевнинг бошига ҳам қора кун тушди. Жиноят Кодексининг бир неча модда ва бандлари билан судланди ҳамда узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Эндигина йигирма олти баҳорни қаршилаган йигит умрининг энг гуллаган дамларини панжара ортида ўтказадиган бўлди. Бироқ у ягона эмас эди. Муроднинг шериклари Нозим Йўлдошев, Лутфулло Сотволдиев, Қаҳрамон Абдурахмоновлар ҳам жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди.

Хўш, бу тўрт шоввозни қайси гуноҳ ёки жиноят суд курсисига етаклаб келди?

...Турдибой Хўжаев 2001 йилнинг ноябр ойида сигир сотди. Пулини ён қўшниси Тошмамат Исомиддиновга бериб қўйди. Ён қўшни — жон қўшни-да. Тошмамат ҳам Турдибойнинг илтимосини ерда қолдирмай, 245 минг сўм пулни баҳоргача сақлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди. Орада 10 минг сўм пулни "ёғ оламан", деб Турдибойнинг ўзи қайтариб олди.

Бу орада қиш ўтиб, баҳор келди. Далаларда экин-тикин ишлари бошланиш арафасида эди. Ҳамма жойларда бўлгани каби Қўғай қишлоғида ҳам баҳорги ишларга байрамлар уланиб ўтаётган кунларнинг бирида кутилмаганда фалокат юз берди. Март ойининг олтинчи куни туш пайти Тошмамат аканинг жияни Одилжон кўчадан ҳаяжонланган ҳолда уйга кириб келди.

— Амаки, қўшнингиз Турдибой бува билан Мавлуда холани кимлардир бўғиб кетибди, — деди у ҳовлиққан куйи.

Тошмамат ака шошиб қолди. Қўлидаги ишини ташлаб, чопиб қўшнисидан хабар олгани чиқди. Қўшни ҳовлида Насиба билан Валижонлар рўй берган мудҳиш ҳодиса олдида эсанкираб, қотиб туришарди. Вазият чиндан ҳам мудҳиш ва аянчли эди. Номаълум кишилар чол-кампирнинг қўл-оёқларини боғлаб, оғизларига ҳам латта тиқиб кетишганди. Хона тартибсиз, тахмондаги кўрпа-ёстиқлар ҳар ерда сочилиб ётар, сандиқ очилган, унинг ичидаги латта-путталар титкиланган эди. Демак, жиноятчилар чол-кампирни ўлдириш билан кифояланмай сандиқдаги бойликка ҳам кўз олайтиришган. Бу ерда қандайдир жумбоқ яширингани ойнадек равшан эди.

— 2 март куни эди, — дейди судда гувоҳ Абдували Жўраев. — Турдибой аканинг куёви Мурод мендан хотини Нигорани чақириб беришимни сўради. Унинг илтимоси бўйича Турдибой аканинг уйига бордим. Кўча дарвозани Мавлуда янга очди. Унга "куёвингиз қизингизни сўраяпти", деганимда, "куёвим билан ўзим гаплашаман", деди. Улар ўзаро узоқ гаплашиб қолдилар. Мен уйга кириб кетдим.

— Қайнонам, — деди судланувчи Мурод Мамадалиев, — Нигорани "Тошкентга эрга тегиб кетди", деб айтди.

Демак, аёнлашдики, Нигоранинг даб-дурустдан Тошкентга эрга тегиб кетиши Муроднинг нафсониятига теккан. Балки Мурод Нигорадан кўнглини узмаган ва у билан алоҳида рўзғор қилиб, яшамоқчи бўлгандир...

Дарвоқе, Мурод Мамадалиев Нигора Ортиқова билан 1996 йилдан бери қонуний никоҳдан ўтиб, эр-хотин бўлиб яшаётган эди. Келин-куёв даставвал етти ойча Учқўрғон шаҳридаги Мамадалиевлар хонадонида яшашади. Кейин қайнона билан келин ўртасида муроса қилдими ёки бошқа сабабми — ҳар қалай Мурод билан Нигора тўрт йилдан ортиқ Қўғай қишлоғида Турдибой Хўжаев хонадонида истиқомат қилишади. Шу давр мобайнида икки ёш ўртасида турли хил келишмовчиликлар ҳам бўлиб ўтади. Балки ўртада фарзанд бўлмагани ҳам бунга бир сабабдир... Ҳа, айнан икки риштани бир-бирига чамбарчас боғлаб турувчи учинчи ришта — фарзанд бўлмагани кўпинча икки ўртада жанжалларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган эди. Хуллас, 2001 йилнинг декабр ойидаги Мурод билан Нигоранинг ўзаро жанжалига ҳеч ким аралаша олмади. Куёв тўнини елкасига ташлаб, қайнота даргоҳини тарк этди.

Лекин Мурод Нигора билан бирга яшагиси келарди. Нигоранинг жорий йилнинг бошларида Учқўрғондаги фабрикада ишлаётганини эшитган Мурод бир неча маротаба унинг изидан борди. Унга турмушини қайта тикламоқчи эканини айтди. Қайнонасининг кутилмаган жавоби эса ғазабланган Муроддаги рашк ўтига ёғ сепгандек бўлди. "Ҳаммасига қайнонам ва қайнотам сабабчи. Уларга куёви қанақалигини кўрсатиб қўяман", дея ўйлаб қўлини мушт қилди Мурод.

Шу тариқа у ўзига ишончли шериқ ахтара бошлади. Даставвал Лутфулло билан Қаҳрамонга дардини айтди. Аммо улардан маъқулроқ жавоб ололмади. Мурод энди ишончли ҳамкор излашга тушди. Кўп ўтмай у ҳам топила қолди. Бу Нозим Йўлдошев эди.

Нозимнинг онаси Мукаррам Йўлдошеванинг судда гувоҳлик беришича, "Нозимжон мактабда ўқимаган, саводсиз". У маҳалладаги одамларнинг уйида ишлаб, пул топиб юради. Муродга айнан шунақа йигитлар керак эди. Шундай қилиб, уюшган жиноят гуруҳи жорий йилнинг 5 март куни кеч соат 20 лар чамасида Учқўрғон шаҳридан темир йўл излари бўйлаб Қўғай қишлоғига пиёда йўл олишади.

Куёв бу кунга астойдил тайёргарлик кўрган эди. Биров таниб қолмаслик учун юзига қалпоқдан никоб, қўлларига қўлқоп, устига фуфайка кийиб олганди.

Қиш фасли тугаб, баҳорнинг дастлабки ҳафтаси бошланган бўлса-да, кун ҳамон совуқ эди. Мурод билан Нозим шундай этни жунжиктирадиган совуқда Қўғай қишлоғига кириб бориб, қабристонга етганларида тўхташди.

— Етиб келдик, — деди Мурод шеригига.

Жиноятчилар қишлоқ қабристони орқали белгиланган ҳовли томон юра бошладилар. Етиб келгач, девордан ошиб ўтишиб, деворни паналаб томорқа қирғоғи бўйлаб қинғир-қийшиқ ёғочлардан қилинган бостирма остига яширинишди. Куёв бостирма устунига боғланган арқонни кесиб олдида, тўрт бўлакка бўлди. Икки бўлагини Нозимга бериб, яна уйга қараб юра бошлашди.

— Мен чолга ташланаман, — деди куёв шивирлаб. — Сен кампирнинг оғзини кафтинг билан беркитиб, олтигача санаб қўйиб юборасан. Шундай қилсанг, кампир ҳушидан кетади.

Мурод эшик илгагини пичоқ учи билан очди. Бир зумда жиноятчилар охиста ухлаб ётган чол-кампирнинг устида пайдо бўлишди. Режа бўйича оғзи беркитилган кампир типирчилай-типирчилай жим бўлиб қолди. Чол эса бор кучи билан номаълум кимсага қаршилик кўрсата-ётган эди. Лекин ёвуз куч олдида у ҳам ожизлик қилди. Жиноятчилар чол-кампирнинг қўл-оёқларини маҳкам боғлаб, оғизларига латта-путталарни тиқиб қўйишди. Сўнгра тахмондаги кўрпа-ёстиқларни ағдаришиб сандиқни очишди. Бироқ жиноятчилар иккинчи мақсадни амалга ошира олишмади. Куёв жаҳл билан катта кўрпалардан бир нечасини чалажон ҳолда ётган чол билан кампирнинг устига ташлагач, чиқиб кетишди...

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят судида мазкур жиноят иши юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд ҳукмига кўра ҳар икки жиноятчи жазоларини олишди. Лутфулло Сотволдиев билан Қаҳрамон Абдурахмоновлар ҳам тегишли жазога тортилди.

Ҳаёт чархпалаги эса айланишда давом этаяпти. Кимдир ўз эзгу мақсади томон дадил одимлаяпти. Кимдир йўлидан адашиб, боши берк кўчага кириб қолмоқда. Халқимиз бежизга айтмаган: ҳар ким албатта, экканини ўради.

Ўз мухбиримиз

ОТА-ОНА РОЗИЛИГИ

У ФАРЗАНДЛИККА БОЛА ОЛИШДА ҚАНДАЙ АҲАМИЯТГА ЭГА?

Ҳаёт азалдан мураккаб яралган. Дунёда турфа хил воқеа-ҳодисалар учрайди. Бунинг устига ҳамма оилаларни бир хил бахтли деб аташ ҳам мушкул. Айтайлик, қайсидир оила тирноққа зор бўлиб яшайди. Албатта, бундай пайтда шундай оилалар фарзандликка бола олиши мумкин. Фақат бунинг қонуний томонлари бор. Қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

Аввало шуни қайд этиш жоизки, Оила Кодексининг 159-моддасига кўра, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган боланинг ота-онаси розилиги талаб этилади. Бундай розилик икки хил бўлиши мумкин:

I. Болани маълум шахс томонидан фарзандликка олишдаги розилик;

II.Фарзандликка олувчиларни танлаш ихтиёрини васийлик ва ҳомийлик идораси эътиборига ҳавола этиш учун берилган розилик.

Иккинчи ҳолатда фарзандликка олувчилар бола манфаатларидан келиб чиқиб, васийлик ва ҳомийлик идораси томонидан танланади ва бундай пайтда бола ота-онасининг қўшимча розилиги талаб қилинмайди.

Албатта, бу мураккаб масала. Кутилмаганда турли низолар келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун бундай низоларнинг олдини олиш мақсадида боланинг фарзандликка олинишига ота-онанинг розилиги ёзма шаклда берилиб, имзолари белгиланган тартибда гувоҳлантирилиши талаб қилинади.

Шу ўринда яна бир савол туғилади: ота-онанинг розилигисиз ҳам фарзандликка бола олиш мумкинми? Ҳа, албатта мумкин. Оила Кодексининг 160-моддасига мувофиқ қуйидаги ҳолларда бунга йўл қўйилади;

I. Ота-онанинг кимлиги номаълум бўлса;

II. Ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса;

III. Ота-она муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган бўлса;

IV. Ота-она бир йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаган бўлса.

Mitti maslahat

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, болани ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишга юқоридаги тўрт ҳолатнинг бири мавжуд бўлгандагина йўл қўйилади.

Ота-онасининг кимлиги номаълум бўлган (масалан, ташлаб кетилган янги туғилган болани фарзандликка олиш) суд томонидан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган деб топилган ёки вафот этган деб эълон қилинган фуқароларнинг болаларини фарзандликка олишда ота-онанинг розилиги талаб қилинмайди. Чунки бундай розиликни олишнинг имконияти йўқ.

Шу ўринда яна бир муҳим ҳолатни эътибордан қочирмаслик лозим. Яъни ота-она ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда, бу тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан камида 6 (олти) ой ўтгач, болани фарзандликка олишга йўл қўйилади. Бу қоида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини ҳал қилишда йўл қўйилиши эҳтимоли бўлган хатоларни бартараф қилиш имконини беради.

Ота-онанинг муомала лаёқати йўқлиги ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлиги болани ота-онанинг розилигисиз фарзандликка олишларига асос бўла олмайди. Кези келганда айтиш керакки, баъзан васийлик ва ҳомийлик фаолиятида шу масалада янглишиш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Гоҳида ота-она 1 (бир) йилдан ортиқ муддат давомида болалар ёки даволаш муассасаларидаги боласидан узрли сабабларсиз хабар олмай қўяди. Бундай ҳолда болани ота-онасининг розилигисиз фарзандликка олиш мумкин. Аммо ота-онанинг ҳақиқатан ҳам ўз боласидан узрли сабабларсиз хабар олмаганлиги ҳолати исботланган бўлиши лозим. Буни боланинг ота-онаси яшайдиган манзилга билдирги ёзиш ёки ота-онанинг боласидан хабар олишни истамаслиги ҳақидаги ёзма кўрсатмаси, ота-она яшайдиган ўз-ўзини бошқариш идораси ёхуд бошқа яшаш жойидаги масъул идоранинг ота-онанинг боладан хабар олишга ҳоҳиши мавжуд эмаслиги ҳақидаги далолатномаси каби далилларни талаб қилиш орқали текшириш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, бу каби ҳолатларда болани фарзандликка беришда хатоликка йўл қўйиш ва болага ортиқча руҳий жароҳат етказишдан сақланиш лозим. Болалар — бизнинг келажагимиз. Уларни эъзозлаш, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

ТИНЧИМАСАНГ, ТИНАСАН!

Мисимба муқаддам Боғишамол туман суди ҳукми билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, сўнгра Жиноят Кодексининг 72-моддасига кўра, жазоси шартли равишда уч йил синов муддати қилиб белгиланганди. Аммо у бундан тегишли хулоса чиқармади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, Мисимба яна ўғирликка қўл ура бошлади...

Ўша куни у Булунғур шаҳридаги У. Расулов номидаги кўча бошида писта сотиб ўтирадиган Зулайҳо момони кўрди-ю, нияти бузилди: «Балки айни пайтда момонинг уйида ҳеч ким йўқдир...»

Тинчлик бермаган ана шу ўй М. Жалоловани Зулайҳо момонинг уйига бошлади. У ховли олдида ёш болага дуч келди.

— Уйларингда ким бор? - деб сўради Мисимба ундан.

— Янгам бор, - деди-ю бола кўчага ўйинга чопди.

Нияти бузуқ М.Жалолова ховлига кириб, хонадоннинг ёш келинига қўлидаги туфлини кўрсатди.

— Овсинингиз шу туфлини олмоқчи эди, — деди у ёлғондан. — Истасангиз, ўзингиз олақолинг.

Мисимба келиннинг "олмайман" деган жавобини эшитгач, энди ялинишга тушди. Буни дори сотиб олиш учун пул зарур бўлганидан сотмоқчи эканини тушунтиришга уринди. Ноилож қолган келин 300 сўм эвазига туфлини олди. Мисимба ортига қайтиб, дарвоза панасидан келинни кузата бошлади. Сўнгра келинчак уйига кириб кетиши билан қатор қилиб солинган уйлардан бирининг очиқ эшигини мўлжалга олиб, ўзини ичкарига урди...

* * *

У бу гал Самарқанд шаҳридан ярим кечаси қайтди. Вақт алламаҳал бўлсада, айрим хонадонларнинг чироғи ўчмаганди. Булунғур шаҳрининг У. Расулов номидаги кўчадаги 96-уй олдидан ўтаркан, Жалолованинг оёғи олдинга ҳеч тортмади. Чунки хоналарнинг бирида аёл киши сочини тараб ўтирганди. У кўпам пойламади, негаки, кўп ўтмай хонадон бекаси ховли томонга чиқиб кетди. Пайтдан фойдаланган Мисимба деразани тортган эди, очиқ экан. Ичкарига бош суқса, ҳеч ким йўқ. Фақат хонадаги сумка кўзига чўғдай кўринди. Деразадан ичкарига кирган Мисимба сумкани олдию, кўчага отилди. Шу кетишда яна изига — Самарқанд шаҳрига қайтди. Сумкада 250 минг сўм пул бор экан...

Қинғирликни касб қилиб олган М. Жалолованинг ўзгалар мулкига кўз олайтиргани билан боғлиқ бўлган икки воқеани келтирдик, холос. Аёл киши эканига қарамай қўли қинғир бўлган бу шахснинг бир неча жиноий кирдикорлари тергов ва суд жараёнида аниқланди. У суд ҳукми билан маълум муддатга озодликдан маҳрум этилди. Халқимизнинг "тинчимасанг, тинасан", деган ибораси Мисимба сингари кишиларга қарата айтилган бўлса, ажаб эмас.

Салом ТЎХТАМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

КЕЛИНГ, УЛИШАЙЛИК

Тун. Ётоқ. Хотин уйқуга кетар экан, масрур жилмайди: «Эримнинг эсидамикан, эртага турмуш қурганимизга ўн беш йил тўлади. Албатта, эсида бўлса керак. Ҳатто совға ҳам тайёрлаб қўйгандир...»

Унинг ёнида ётган эр ҳам маҳзун ўйга толди: «Ёнимдаги алвастини ўн беш йил бурун бўғиб ўлдирганимда, бугун қамоқдан чиқиб келган бўлардим...»

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи: Жаъфар ЖАББОРОВ
Компьютер операторлари: Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.